Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 177 (20. 744) • 1990 йил 5 август, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

«М. С. Горбачев билан Н. И. Рижковнинг КПСС XXVIII съезди қатнашчилари бўлган ишчилар ва колхозчилар билан 1990 йил 8 июлдаги учрашуви» китобчаси нашр этилди.

«М. С. Горбачевнинг КПСС XXVIII съезди делегатлари бўлган бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан 1990 йил 6 июлдаги учрашуви» китобчаси ҳам нашр этилди.

Китобчаларни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

МОСКВА:

Сахий дастурхонингиз учун раҳмат!

МОСКВАДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА ТЕЛЕГРАММА КЕЛДИ:

Иттифоқ Министрлар Советининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни харид қилиш давлат комиссияси Ўзбекистон меҳнаткашларининг шу йил июль ойида Москва шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш кўргазмасида ташкил этилган Бутуниттифоқ ярмаркасини ўтказишда фаол қатнашганликларини алоҳида таъкидлайди. Шаҳар аҳолисига турли-туман харидоргир мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Давлат комиссиясининг раҳбарияти ярмарканинг барча қатнашчиларига, жумҳуриятнинг ярмаркани тайёрлаш ва ўтказишда қатнашган мутахассисларига, ходимларига ташаккур билдиради.

(ЎзТАГ).

Жумҳуриятимизда: янгиликлар, воқеалар, шарҳлар

СИЁСИЙ БРИГАДАЛАР ИШЛДА:

ОММА ОРАСИДА

Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятида мамлакатимизда бўлаётган воқеаларни аҳолига тезроқ етказишнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйган сиёсий бригадалар тузилди. Бригадаларга лекторлар билан бир қаторда КПСС XXVIII съездн ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездн делегатлари, олимлар, маданият ходимлари кирдилар.

Ташвиқотчилар режалаштирган дастлабки учрашув Тошкент вилоятининг Бўка районидаги Фрунзе номли колхозда бўлди. Учрашувда қизиқарли фикр алмашинув бўлди. Қишлоқ меҳнаткашлари бўлиб ўтган партия анжуманлари материаллари юзасидан кўп саволлар беришди. Улар «Билим» жамияти партия қарорлари, мамлакат ва жумҳурият Президентлари Фармонларига тегишли шарҳлар тайёрлаб беришса яхши бўлар эди, деган фикрни билдирдилар.

Айни вақтда Сирдарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларига ҳам сиёсий бригадалар жўнаб кетди.

МЕҲР-МУРУВВАТ:

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари уюшмаси йигирма тонна дори-дармон ортилган вагонни Ўш вилоятига юборди. Айни вақтда Қизил Ярим Ой жамияти Ўш бўлимининг ҳисоб дафтарчасига 15 минг сўм пул ўтказилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамиятининг ёрдамидир.

— Ўш вилоятида рўй берган воқеалар жумҳуриятимиз меҳнаткашлари қалбини ларзага келтирди, — дейди жамият раиси Ў. Воҳидова. — Қизил Ярим Ой жамиятининг жумҳурият ташкилоти ва унинг Фарғона водийсидаги комитетлари меҳр-мурувват ҳаракатининг инсоний мақсадлари ҳамда вазифаларига асосланиб, жабрдийда аҳолига ёрдам кўрсатишга қарор қилдилар. Жамиятнинг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги фаоллари жабрдийдаларга ёрдам бериб, уларга дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотларини бепул юборишмоқда. Айни вақтда бир йўла пул ёрдами ҳам кўрсатилмоқда. Яқин кунларда болалар кийимлари, кўрпа-ёстиқлар ва бошқа энг зарур ашёлар ортилган машиналар Ўшга юборилади.

(ЎзТАГ мухбири).

КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

4 август куни Тошкентда касаба уюшмалари Ўзбекистон кенгашининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Касаба уюшмалари Ўзбекистон кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод қилинди.

Наманган вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Б. А. Алламуродов касаба уюшмалари Ўзбекистон кенгашининг раиси этиб сайланди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Пленум ишида касаба уюшмалари Бутуниттифоқ Марказий кенгаши бўлим мудирининг ўринбосари В. Г. Вилков қатнашди.

(ЎзТАГ).



К. Каримов етакчилигидаги бригада Иштихон райони Навоий номли колхозда нлғор. Пахтакорлар бу йил 80 гектар майдонга чигит экишган. Режалари чакки эмас. Пландаги 27,9 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олишмоқчи. Айни кунларда ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериляпти.

Суратда: механизатор Норйигит Қаршиев (чапда) ва бригада бошлиғи Қўбай Каримов пахтазорда.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон ССР Президенти Фармони—амалда

БИЛИМ ПОЙДЕВОРИ

Қорақалпоғистон маорифчилари жумҳурият Президенти И. А. Каримовнинг бошланғич синф ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақини 30 фоизга ошириш тўғрисидаги Фармонини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Қарорда таъкидланганидек, ўқитувчининг таъриф бўйича 20 соатлик ставкаси 14 соатга келтирилди. Бу муаллимларнинг ўз устида ижодий ишлашига, билим савияларини оширишга, ота-оналар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга имкон яратди.

Нукус шаҳридаги 33 та ўрта мактабда 41 минг 963 ўқувчи таълим олади. Шаҳардаги Гагарин номли мактабда 37 та, Крупская номли мактабда 32 та, Ажиниёз номли ўрта мактабда 28 та, К. Маркс номли мактабда 31 та бошланғич синфлар мавжуд. Бу синфларда 650 га яқин мураббий таълим беради.

Мактабимизда 32 та бошланғич синф бор. Унинг 13 таси қорақалпоқ, 10 таси рус, 9 таси қозоқ синфларидир. Биз 1989—1990 ўқув йилини муваффақиятли якунладик. Аксарият синфларда ўқувчиларнинг фанлардан яхши ўзлаштирилишига эришилди. Савияси паст ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар олиб борилди. Айрим фанлардан ёмон ўзлаштирган ўқувчилар билан эса дарсдан ташқари сабоқ берилди. Ана шундай тадбирларнинг ижроси мактаб маъмурияти томонидан назоратга олинди. Биринчи, тўртинчи синфларни ўқитиш Мақсуда Каримова, Рисбика Генжемуратова, Лариса Бородаева каби 30—32 йиллик тажрибага эга устозларга топширилди.

Бошланғич синф — билимнинг пойдевори. Ўқувчи биринчи синфда қандай билим олса, юқори синфларда ҳам билимни шундайлигича эгаллаб олади. Тўртинчи синфдан бешинчи синфгача фанлар бўйича ўқитишга киришилганида уларнинг қайси фанни қандай ўзлаштирганига алоҳида эътибор берилиши керак. Ўзбекистон жумҳурияти Президентининг Фармони ўқитувчиларни ўз ишига янада масъулият билан ёндашишга чорлайди.

А. БАЙҚУАТОВА,
Нукус шаҳридаги Маяковский номли ўрта мактабнинг бошланғич синфлар таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисидан

ЖУМҲУРИЯТ ВА МИНТАҚА: ТАҲЛИЛ, ЁРДАМ, ТАШАББУС

Жумҳурият Министрлар Совети бу гал йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш якунларини кўриб чиқишни айрим минтақалардаги — Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги аҳволни таҳлил этишдан бошлади.

Биз яхлит ҳолатга назар ташлаб, умумий қонуниятлар ва тамойилларни аниқлаш орқали ҳар бир минтақада вужудга келаётган вазиятни равшанроқ тушуниб оламиз. Айни вақтда муваффақиятларнинг манбаларини, муваффақиятсизликларнинг сабабларини ҳар бир вилоятда, шаҳарда, қишлоқда чуқур ўрганиш йўли билан бутун жумҳуриятга фойдали хулосалар чиқара оламиз. Шу боис ҳозир муваффақиятлари ҳам, камчиликлари ҳам жумҳурият учун айниқса хос бўлган иккита мана шундай минтақа танлаб олинди.

Шундай деса бўлади: иқтисодиётни соғломлаштириш, уни ижтимоий соҳага буриб юборишдаги энг зарур чора-тадбирлар амалга оширилганлиги, хўжалик юритишнинг янги шакллари ва усуллари жорий этилганлиги йил бошидан буён ижобий силжишларга олиб келди. Жумҳуриятда ҳосил қилинган миллий даромад ва ижтимоий меҳнат унумдорлиги 4 фоиз ошди, саноат маҳсулоти 3,2 фоиз ва қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 3,7 фоиз кўпайди. Аҳолининг талаб-эҳтиёжларига эътибор кучайтирилди — халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 6,8 фоиз, чакана товар оборотн 13,3 фоиз, кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 8,1 фоиз кўпайди.

Мана шуларга қарамай, жумҳуриятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида ҳозирча кескин бурилишга эришилмади. Пулнинг қадрсизланиш жараёни ўсиши тўхтатилмади, аҳоли даромадларининг ўндан бир қисми янги пул чиқариш ҳисобига қопланмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон ССР Молия министрлиги (ўртоқ И. И. Маматисаев) ва Ўзбекистон Давлат банки (ўртоқ Ш. Ё. Ёқубов) муносиб равишда ташаббус кўрсатмаяптилар.

Бир қанча корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ўзларига таклиф этилган ҳажмларини ўз режаларига қабул этмади. Бу нарса магазинларнинг пештахталарига ҳам, жумҳурият бюджетининг даромад моддаларига ҳам таъсир қилди. Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағи ҳисобига уйжой ва коммунал объектларни ишга тушириш режаси барбод этилди, шу сабабли Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги (ўртоқ Қ. Ҳ. Маҳамадалиев) ва бошқа пудратчи ташкилотлар қаттиқ танқид қилинди. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг раҳбарларига нисбатан жиддий талаблар қўйилди. Бир қанча министрлик ва идоралар, кўпгина корхоналар интенсив ўсиш омилларига ўтишда сусткашлик қилмоқдалар. Деҳқончилик-саноат мажмуининг қайта ишлаш тармоқларида айниқса мева, сабзавот, полиз экинлари ёппасига пишиб етилганлиги билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар зудлик билан ҳал этилмаяпти.

Умумий манзара мана шундай. Министрлар Совети бунинг қуйидаги умумий сабабларини аниқлади: раҳбарликнинг иқтисодий усуллари суст жорий этилмоқда, ташаббускорлик, мустақил ишлаш маҳорати, кутилмаган вазиятда эса янгича ёндашувларни излаш етишмаяпти. Территориал идоралар ва тармоқ министрликлари ҳамда идораларининг тарқоқлиги ҳам сезилмоқда. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган фаол сиёсатни ўтказмаяптилар.

...Келинглар, энди жойлардаги «умумий манзара» нималардан ҳосил бўлаётганига назар ташлаб, айрим вилоятларнинг тажрибасидан айни нималарни олиш ва аввало вилоятларда қайси имкониятларни ишга солишни аниқлаш кераклигини ойдинлаштиришга уриниб кўрайлик.

Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги асосий кўрсаткичлар умумжумҳурият кўрсаткичларига ўхшаса ҳам, сезиларли фарқи бор. Чунончи, иккала вилоятда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши Ўзбекистондаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлди. Бунга ниманинг эвазига эришилди?

Бухоро вилоятида асосий фондларни ишга тушириш ҳамда давлат марказлашган маблағлари ҳисобига капитал маблағларни ўзлаштириш планини уддаладилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари илдам суръатларда тайёрланмоқда. Умуман уй-жой, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхоналарни фойдаланишга топшириш режалари бажарилди.

Буларнинг ҳаммаси жумҳурият Президенти Фармонлари ҳамда ҳукуматнинг аҳоли ижтимоий аҳволини янада яхшилаш программасини бажаришга доир аниқ-равшан ишлар билан уйғунлаштирилмоқда. Чунончи, «Иш билан таъминлаш» тўла-тўкис режаларини амалга ошириш юзасидан тадбирлар кўрилмоқда — шаҳар ва районлардаги янги саноат комбинатларида қўшимча иш жойлари вужудга келтирилмоқда, айни вақтда харидоргир молларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Мамлакатимиздаги бошқа минтақалар билан алоқалар мустаҳкамланиб, қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Хорижий фирмалар билан ҳам алоқалар ўрнатилмоқда. Деҳқон фермерлик хўжаликларининг вужудга келтирилиши озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга катта таъсир кўрсатмоқда.

Сурхондарё вилоятида мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан шартнома муносабатлари фаол ривожлантирилмоқда, чегара савдоси миқёслари ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларнинг бошқа шакллари кенгайтирилмоқда. Бунда «Иш билан таъминлаш» режасини амалга оширишда саноат комбинатлари тузиш билан бир қаторда якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, касаначиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Бу аҳолини иш билан таъминлашга ҳам, истеъмол бозоридаги аҳволни барқарорлаштиришга ҳам кўмаклашади. Товар оборотн, давлат марказлашган маблағлари ҳисобидан уй-жойлар, мактаблар ва болалар боғчалари, поликлиникаларни фойдаланишга топшириш ярим йиллик планлари бажарилди. Аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам берилмоқда.

Министрлар Совети иккала минтақанинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги барча яхши ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, эътиборга олганлигини тан олиш керак. Лекин бой берилган имкониятлар, ишдаги камчиликлар ҳақида кўп гапиришга тўғри келди. Энг яхши ўй-режаларни ишларнинг аҳволи тўғрисида мутлақо равшан тасаввурга эга бўлган ҳолда оқилона ташкил этгандагина амалга ошириш мумкинлиги хусусидаги ҳақиқат яна бир бор тасдиқланди.

Мажлисда моддий ва меҳнат ресурсларидан яхши фойдаланмаслик ижтимоий режаларни бажаришда мушкулликларга олиб келиши таъкидланди. Иккала вилоятда неча ўн минглаб оила уйжой олиш учун навбатда турибди. Болалар боғчаларига бўлган эҳтиёжнинг фақат учдан бир қисми қондирилмоқда. Кўпгина мактаблар, касалхоналар, кутубхоналар, маданият уйлари авария ҳолатидаги ёки мослаштирилган биноларга жойлашган. Бухоро ва Сурхондарё вилоятларининг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида кескин экология вазияти вужудга келди.

Муайян минтақалар ҳақида гап бўлишига қарамай, бу гаплар гўёки бошқа вилоятлар, шаҳарлар, қишлоқларга тааллуқли туюларди. Ўхшаш мушкулликлар, муштарак муаммолар... Гарчи ҳар бир ҳолатда аниқ-равшан тадбирлар кўрилиши талаб этилса-да, аслида яқин келажакдаги ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этиш учун ягона ёндашувларни излаш ва уларга амал қилиш керак бўлади.

Министрлар Совети қарорининг дастлабки бандларида жумҳуриятимиздаги барча минтақаларга, барча идораларга тавсиялар берилганлиги ва талаблар қўйилганлиги табиийдир: улар биринчи ярим йилликда бериб улгурмаган нарсалари ва бажара олмаган ишлари ўрнини қоплашлари; жадаллаштиришнинг фан-техника тараққиёти ҳамда бошқарувнинг иқтисодий усулларини қўлланиш билан боғлиқ барча омилларини ҳаракатга келтиришлари; молиявий ишларни соғломлаштиришга эришишлари зарур. Буларнинг ҳаммаси бошқариладиган бозор муносабатларига ўтишнинг пухта омилига айланади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти И. А. Каримов қатнашди. У ўз нутқида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, меҳнат жамоалари, ҳар бир ходим қайси минтақани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаларини амалга оширишда ҳал қилувчи ҳисса қўшишлари лозимлигини таъкидлади. Ишларнинг муваффақияти уларнинг ташаббускорлигига, омилкорлигига, тўла куч-қувват билан ишлашга тайёр эканликларига ва меҳнат қила олишларига боғлиқ бўлади. Бу ва бошқа вилоятларга хилма-хил ёрдам кўрсатилади, улар бундан кейин ҳам бутун жумҳуриятнинг мададига таянишлари мумкин, ўз навбатида бу вилоятлар жумҳуриятимизнинг гуллаб-яшнашига кўмаклашишлари керак.

Муҳокамадан ана шундай асосий хулоса чиқарилди.

Министрлар Совети Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида пахта теримига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Ҳар уч вилоятда ҳалигача пахта териш машиналарининг юзлаб экипажлари одамлар билан таъминланмаганлиги, техника, пахта тайёрлаш пунктлари, пахта заводларини ремонт қилиш суръатлари ва сифати паст эканлиги, машина теримига ажратиладиган ерлар ҳали ҳам аниқланмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Министрлар Совети мазкур вилоятларга ёрдам беришга доир аниқ тадбирларни режалаштирди ва хўжалик раҳбарларидан, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети раҳбарларидан мавжуд резервлардан тўла фойдаланишни, теримга тайёргарлик жадвалига аниқ риоя этишни таъминлашни талаб қилди. «Машхлопок» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарига, бошқа бирлашмалар ва корхоналарга тегишли топшириқлар берилди.

Худди шу куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида колхозчилар ва совхоз ишчиларининг 1990 йил пахта хом ашёсини ўз вақтида сифатли териб олишдан модий манфаатдорлигини оширишга доир чора-тадбирлар ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарор матбуотда эълон қилинади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси

Ўткир ҲОШИМОВ



1941 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбек. 1984 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли. 1964 йилда В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетини тамомлаган, ихтисоси журналист.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Тошкент шаҳридаги «Темирйўлчи» газетаси муҳарририятининг адабий таржимони сифатида бошлади. Сўнгра «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати» газеталари муҳарририятларининг адабий ходими, «Тошкент оқшоми»—«Вечерний Ташкент» газетаси муҳарририятининг бўлим мудири бўлиб ишлади. 1982 йилдан 1985 йилгача Ғ. Ғулом номли нашриёт бош муҳаррирининг ўринбосари, 1985 йилдан эса «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳарририди.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти, Ўзбекистон Ленин комсомоли ва Ойбек номли мукофотлар лауреати.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида Марказий Комитет аъзоси этиб сайланди. КПСС XXVIII съездининг делегати.

1990 йилнинг 3 августида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленумида Марказий Комитет Бюросининг аъзоси этиб сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми тўғрисида АХБОРОТ

4 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг иккинчи пленуми бўлди. Пленум КПСС XXVIII съездининг, Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг якунлари ва Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссиясининг вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

КПСС Марказий назорат комиссияси президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Ш. М. Йўлдошев маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган мунозараларда Қорақалпоғистон жумҳурият партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Т. Машарипов, Ангрен олтин қазиш руда конининг кончиси Г. М. Ананьев, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг муҳаррири А. Ғ. Мухторов, Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси В. А. Шалупов, Шофиркон районидаги Ф. Хўжаев номли колхоз биология лабораториясининг лаборанти Х. Ш. Хаитова, Гулистон шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Б. Д. Ҳусанбоев, Яккабоғ районидаги Калинин номли колхоз бригадири И. Бабатов, «Ленин байрағъы» газетасининг муҳаррири Н. Умеров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум КПСС Устави янги талаблари комиссия фаолиятида янада тўлиқ ифодаланиши зарурлигини эътиборга олиб, Назорат-тафтиш комиссиясининг номини ўзгартириб, уни Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси (МНТК)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди, шу комиссия ҳақидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси МНТКнинг иш тартиби ва тузилиши тасдиқланди.

Пленум комиссия фаолиятининг асосий йўналишларига биноан қуйидаги ишчи гуруҳларни: дастурий ҳужжатларнинг, КПСС Уставининг, партия съездлари ва конференциялари қарорларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи ишчи гуруҳини (бу гуруҳга бошчилик қилиш Б. М. Капитоновга топширилди); Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг ижроия органлари ва аппарати, муассасалари ва корхоналари партия ташкилотларининг мурожаатномалари, хат ва аризаларини кўриб чиқиш юзасидан белгиланган тартибга риоя этилишини текширувчи (раҳбари Ш. Ниёзов); ички партия тўрмуши нормаларига риоя этилишини назорат қилиш, партия сафлари бирлигини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (раҳбари К. Неъматов); коммунистларнинг шикоятларини ва шахсий ишларини дастлабки тартибда кўриб чиқадиган (раҳбари Н. А. Муҳиддинов); Ўзбекистон Компартиясининг бюджети ижроси устидан назорат қилиш, Марказий Комитет, унинг муассасалари, матбуот органлари, нашриётлари ва корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қиладиган (раҳбари Э. Д. Боқибоев); вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссияларига методик ёрдам берадиган, партия назорати тажрибасини таҳлил этадиган (раҳбари И. И. Федоринов) ишчи гуруҳларини тузди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг иккинчи пленуми ўз ишини тамомлади.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ К. САЛАЙДИНОВАНИ ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Болалар ҳаётини сақлаб қолиш чоғида кўрсатган дадил ва тадбиркор ҳаракатлари учун ўртоқ Кумушхон **Салайдинова Ҳурмат** ордени билан мукофотлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил, 3 август.

• *КПСС XXVIII съезди қарорларини амалга оширамиз*

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

КПСС XXVIII съездидан сал олдин партия ташкилотимизда бўлиб ўтган йиғилишнинг бир жиҳати эсимда қолган. Ушанда партиянинг жамиятимизда тутган ўрни ва мавқеи ҳақида сўз борди. Нотиқлардан бири унинг обрўси тушиб кетаётганлигини таъкидлади. Ёши олтмишлардан ошган, йирик бригадалардан бирига кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган Йўлдош Холметов бу фикрга қўшилмади.

— Нима учун партиянинг обрўси тушиб кетаётган экан? — деди у. — Мен бу фикрни узил-кесил рад этаман. Агар бу ҳукмни бир-икки нафар коммунист раҳбарнинг қилмиш-қидирмишига қараб чиқараётган бўлсангиз, бутунлай янглишасиз. Улар барча коммунистларнинг обрўсини белгилаймайди. Қайтанга кейинги пайтда, хусусан жумҳуриятимизда партия сафларининг жипслиги ошди, мустаҳкамланди. Халқпарвар тадбирларнинг ишлаб чиқилиши, улар қатъият билан амалга оширилаётганлиги партиямиз обрўсига обрў қўшди.

КПСС XXVIII съездидаги Сиёсий маърузани, музокарага чиққанлар фикрларини бир-бирига солиштирар эканман, улардаги халқчил нуқтаи назар, қатъиятли оқсоқол ҳамюртимнинг қарашларига мослиги билан мамнун этди. Демак жумҳуриятимизнинг турли жойларида яшаётган, турли вазифаларда ишлаётган кишиларнинг ўй-нияти яқдил, мақсадлари муштарак экан. Аниқроқ қилиб айтганда, бу муштараклик тезроқ турғунлик чангалидан қутилиш, ўз-ўзлигимизни англаш, янги инсонни вояга етказиш, осойишталикни таъминлаш, жумҳуриятимизни иқтисодий мустақил, обод ўлкага айлантириш учун ҳаракатларда мужассам бўлмоқда.

Ўйлайманки, съезддан кейин одамларда янгича дунёқараш, янгича руҳ пайдо бўлди. Мазкур анжуманнинг аввалги съездлардан фарқи ҳам ана шунда. Съездда ҳар бир коммунист, ҳар бир ташкилотнинг вазифаси аниқ-равшан ифодалаб берилди. Энг биринчи навбатда, жойларда эскича фикрлашни, ёндашувларни барҳам топтиришимиз лозим. Мустақил, ижодий фаоллик кўрсатиб, муаммо ва масалаларни дадиллик билан ҳал этишимиз зарур. Масалан, съезддан кейиноқ фаоллар билан янги бир режани маслаҳатлашиб олдик.

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш режалаштириляпти. Нон маҳсулотлари нархи ҳам ошиши табиий, албатта. Агар шундай ҳол рўй берса, деҳқонга қандай ёрдам бериш мумкин? Биз шундай фикрга келдик: деҳқон томорқасини яна 10 сотихга кўпайтириб, жами томорқа майдони 35 сотихга етказилади. Ҳисоблаб кўрсак, бунинг учун шоли ва пахта майдонларимизни атиги 150 гектарга қисқартириб, шу ер бўлиб берилар экан. Лекин бунинг эвазига ҳар бир хонадон ўз ғалласига эга бўлади. Ўзидан ортганини эса бозорга чиқаради, эркин бозор шароитида деҳқонлар учун бундай ғамхўрлик катта таянч.

Ўтган йил охирида ҳар бир хўжалик томорқасини икки баравар атрофида кўпайтирган эдик. Бу тадбир ҳозирнинг ўзидаёқ ўз самараларини бера бошлади. Бозорда сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошканинг нархи анча пасайди. Деҳқонларнинг шундай маҳсулотлар харид қилиш учун бозорга боришларига ҳожат қолмади.

Яна бир масала хусусида алоҳида тўхталмоқчиман. Съездда КПССнинг янги Устави тасдиқланди. Партияга қабул масаласида бошланғич ташкилотлар ҳал қилувчи роль ўйнайдиган бўлдилар. Аммо бу партияга хоҳлаган одам қабул қилинаверади, партия истаган киши аъзо бўлаверадиган уюшма, деган гап эмас. Соф, қатъий позицияли, эътиқодли кишиларнигина сафимизга саралаб қабул қилишимиз керак. Бошқача айтганда, оз бўлсину соз бўлсин. Хусусан бизнинг районда, жамоат хўжалигимизда кўп ёшлар партия аъзоси бўлиш учун анчадан буён навбатда туришибди. Баъзи жойларда эса бунинг акси бўлаётганидан ташвишланиб гапиришмоқда. Менимча, бу нотўғри. Чунки ишламаган кишини мажбуран партияда ушлаб туриш керак эмас. Қайтага бундай кишилар партиянинг обрўсини тўкиб қўядилар. Мазкур партия ташкилотида муҳитни соғлом деб бўладими, у коммунистларга ғамхўрлик кўрсата олляптими, инсоннинг эҳтиёжларини қондириш, турмушини енгиллаштириш учун қандай ишларни амалга ошириш керак, деган саволлар билан тез-тез ўзимизга мурожаат қилиб туришимиз лозим.

Турган гапки, агар партия ташкилотлари план ва топшириқлар ортидан қувмай, бевосита инсоннинг ижтимоий ҳаётига боғлиқ масалалар билан кўпроқ шуғулланса, уларни ўз вақтида изчил ҳал этиб борсалар, ўша жойда коммунистлар сафи мустаҳкам, обрўси ҳам баланд бўлади. Бунга мисол тариқасида бизнинг хўжалигимизда кейинги пайтда бажарилган ва режалаштирилган ишлардан бир қатор мисолларни келтириш мумкин.

Ҳозир колхозимизда кимки уй-жой қурмоқчи бўлса, унга ҳар томонлама ёрдам беришга интиляпмиз. Кўп уйлар шу мақсадда ташкил этилган қурилиш бригадаси томонидан арзон баҳода тикланяпти. Ремонт ишларини олиб боришда ҳам колхозчиларга яқиндан кўмаклашяпмиз. Бунинг учун эса зарур қурилиш материалларини бошқа жумҳуриятлардан шартнома асосида келтиришни йўлга қўйганмиз.

Шу йилнинг ўзида хўжалигимиздаги болаларнинг ҳаммаси боғчага жалб этилади, мактабларда ўқиш бир сменали бўлади. Ҳамма қишлоқларга водопровод ва газ етиб борган. Яқинда ишга туширилган стадионда турли хилдаги тадбирлар ўтказиляпти.

Булар инсон эҳтиёжини, унинг турмушини енгиллаштиришга қаратилган тадбирлардир. Энг муҳими, коммунистларимиз уларни кун тартибига қўйибгина қолмасдан, амалда ҳал этиш учун ўзлари жонкуярлик билан меҳнат қилишяпти.

Келинг, амалий ишларимиз билан бошқаларга ибрат бўлайлик. Энг оғир муаммоларни ҳам дадиллик билан ҳал этайлик. Сафларимиз жипслигини таъминлайлик. Ўшанда беҳуда важларга ўрин қолмайди. Партия XXVIII съездида кун тартибига қўйилган барча масалаларга жойларда ана шундай нуқтаи назар билан ёндашилишини, қабул қилинган қарорлар изчиллик билан бажарилишини истаймиз.

А. ВАФОЕВ,
Гурлан районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги раиси, партия комитети аъзоси.

СССР Министрлар Советида

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА — ДАВЛАТ МАДАДИ

СССР Министрлар Совети бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча чоралари тўғрисида қарор қабул қилди.

Илгари амал қилиб келган бола туғилганда унинг нечанчи фарзанд эканлигига қараб бир йўла тўланадиган нафақа ҳамда тўртинчи ва шундан кейинги болалар учун улар беш ёшга тўлгунга қадар кўп болали оилаларга ҳар ойда тўланадиган нафақа ўрнига бола туғилганда энг кам иш ҳақига уч баравар миқдорда бир йўла нафақа беришни жорий этишга қарор қилинди. Агар жами ўртача даромад оила ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг икки баравар миқдоридан ошмаса, бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга ҳар бир бола учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ойига бир хил нафақа тўланади.

Шунингдек ёлғиз оналарга ҳар бир бола 16 ёшга тўлгунча (стипендия олмайдиган ўқувчилар 18 ёшга тўлгунча) ҳар ойда тўланадиган давлат нафақасини кўпайтиришга, ажралишган эркакларга ва аёлларга, агар улар мазкур ёшдаги болалар учун алимент олмасалар ёки ойига 20 сўм ва ундан кам алимент олсалар, ота-оналари суд ажрими билан алимент тўлашдан бош тортганлиги учун ички ишлар идоралари томонидан қидирилаётган балоғатга етмаган болаларга — энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача миқдорда кўпайтиришга қарор қилинди.

Иш ҳақига район коэффициентини белгиланган районларда ва жойларда яшовчи кишилар учун нафақа миқдори коэффициентни қўлланиб белгиланади. Агар мазкур районда иш ҳақига турлича коэффициентлар амал қилса, у ҳолда халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ишчилар ва хизматчилар иш ҳақига белгилаб қўйилган коэффициентлар қўлланилади.

Мазкур нафақалар 1990 йил 1 декабрдан тўланади.

Қарорда оила аъзосининг жами ўртача даромади ойига 50 сўмдан ошмайдиган оилаларга, Узоқ Шарқ, Сибирь районлари, мамлакатнинг Шимолий районларида эса СССР Министрлар Совети белгилаб берадиган рўйхатга мувофиқ — ойига 75 сўмдан ошмаган оилаларга 12 ёшгача бўлган ҳар бир бола учун ҳар ойда бериладиган 12 сўм нафақани жумҳурият даражасидаги норма сифатида сақлаб қолиш кўзда тутилган.

Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан белгиланган чораларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар бу йил Иттифоқ бюджети ва иттифоқдош жумҳуриятлари маблағи ҳисобидан баравар миқдорда бўлади. 1991 йилдан бошлаб тегишли бюджетларни тузиш чоғида ана шу мутаносиблик ҳисобга олиниши лозим.



ШАХСИЙ УЙЛАР

Фарғона вилоятидаги Киров райони меҳнаткашлари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Оилалар ўзлари учун уй-жойлар қуришяпти. Айни чоғда мактаб, магазин, маданий-маиший хизмат шохобчалари барпо этилишига ҳам эътибор кучайтирилди. Ишлаб чиқариш цехларининг фойдаланишга топширилиши аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга имкон берди.

Область ижроия комитетининг қарорига мувофиқ шахсий уй-жойлар қураётганларга умумий миқдори икки миллион сўм бўлган қарз ажратилди. Табиийки, қурилишни олиб бориш учун тажрибали қурувчилар керак. Кооператорлар бу ишда элга кўмаклашмоқдалар. Районда 20 та қурилиш-кооператив ташкилоти бор. Улар уй-жой қуриш ва ремонтдан чиқариш билан бирга сув, газ тармоқларини ўтказадилар. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида қурувчилар 150 минг сўмдан зиёд иш бажардилар.

ЎзТАГ суратқаш мухбири Ш. ОЛИМОВ бу лавҳаларда илғор пайвандчи А. Эшматов, Киров номли колхоз ва «Бешариқ» совхозида қурилган янги уй-жойларни тасвирлаган.



• *Советларда қайта қуриш қандай бормоқда?*

ИҚТИДОР

Замонлар зайли

1980 йилларнинг бошлари эди. «Муштум» журналининг топшириғи билан Тошкент вилоятининг хўжаликларини айланиб юрган эдик. Бақувват бир колхоз раиси билан учрашиб суҳбатлашдик. Айрим масалалар юзасидан қишлоқ Совети ижроқўми раисининг фикрини ҳам билишим лозим эди. Колхоз раиси қишлоқ Совети ижроқўми раисига қўнғироқ қилиб, тезда етиб келиши зарурлигини тайинлади. Жамоа раиси унга жавобан ёқмайдиганроқ гап айтди шекилли, колхоз раисининг авзойи ўзгарди ва телефон дастагини менга узатди. Саломаликдан кейин жамоа раиси ётиғи билан шундай деди:

— Ука, мени тўғри тушунинг. Бу ерда ҳукумат менман. Агар малол келмаса, колхоз раисини олиб, ўзингиз бизнинг идорага келсангиз...

Ичимда, бу қандай шаккоклик, оддий бир қишлоқ Совети ижроқўмининг раиси ҳузурига кел, деса-я дейман, беихтиёр. Бироқ юрагимнинг аллақаерида «у ҳақ, ҳақ-ку» деган фикр ҳам йилтиллаб турарди.

Машинага ўтириб қишлоқ Совети идорасига келдик. Жамоа раиси ҳеч гап ўтмагандай, очиқ юз билан кутиб олди. Бизни қизиқтирган ишлар юзасидан тўғри, холис фикрларини билдирди.

Суҳбатимиз сўнггида у В. И. Ленининг «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шиорини эслатиб, унинг туб моҳиятини тушунтирди. Бизнинг кунларга келиб бутун ҳокимият партия ва хўжаликлар ихтиёрига ўтиб қолгани, бу жамиятни бошқаришнинг ленинча принципларига мутлақо мос эмаслиги ҳақида кескин-кескин гапирди.

Тўғриси, ўша пайтда жамоа раисининг ҳақлигини ҳис қилиб турсакда, замона зайли туфайлими, унинг сўзлари бизга анчайин эриш туюлган эди.

Мана, орадан йиллар ўтиб, қайта қуриш шарофати боис доҳиймиз революция йиллари омма ўртасига ташлаган ўша шиор яна кун тартибида турибди.

Демак, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилган, хатти-ҳаракатлари билан бизни ранжитган ўша жамоа раиси қайта қуришни бундан ўн йиллар илгари тасаввур этган эди.

Ижроқўмни ким сайлайди?

Хўш, ҳозирги мураккаб вазиятда барча жамоаларнинг раислари ҳам шундай дадил ҳаракат қиляптиларми? Жойларда қишлоқ, шаҳар Советларининг аҳволи қандай? Жамоатчилик ўз маҳаллий ҳукумати ҳақида не фикрда? Ундан ўз муаммоларига жавоб, дарду-ҳасратларига малҳам топа оляптими? Жамоа раҳбарлари, халқ депутатлари жамиятни бошқаришда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий иқтидорларини фаол намоён қила оляптиларми?

Андижон вилояти Избоскан районининг Шерматобод қишлоқ Совети ижрокомининг раиси Муҳаббат Насриддинова билан суҳбатимиз ана шу муаммолар атрофида бўлди. Опа ҳақида икки оғиз гап: у узоқ йиллар хўжаликларда, партия ташкилотларида хизмат қилган. Қишлоқ Советига район партия комитети котиблигидан ўтган. Унга партия иши ҳам, Советлар фаолияти ҳам бирдай таниш. Районда бугун ишлаб турган раҳбар кадрларнинг деярли 70—80 фоизи Муҳаббат опанинг кўз ўнгида ўсди, улғайди.

— Токи, қишлоқ Советлари ҳақида соғлом фикр юритилмас экан, унинг мавқеи ролини ошириб бўлмайди, — дейди у.

Дарҳақиқат, ўн йиллар давомида қишлоқ Совети ижроқўмларига фақат аҳолига ҳужжат ёзиб берувчи маҳкама сифатида қараб келинди. Партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари тўғридан-тўғри хўжалик ва ташкилот мутасаддилари билан ишни битириб кетавердилар.

— Вилоят миқёсида ўз фаолияти даврида бironта қишлоқ Совети идорасига қадам босмай ўтиб кетган раҳбарлар ҳам жуда кўп, — дея оғринади Муҳаббат опа. — Бундай ўгай кўз билан қараш қишлоқ Советларини қай аҳволга келтириб қўйганини кўриб турибмиз. Колхоз раиси «Москвич» машинасида юришга ор қилади. Кўпгина қишлоқ Советларида ўша ҳам йўқ. Колхоз ва совхоз раҳбарлари «Волга»да керилиб ўтиб кетаётганда қишлоқ Совети ижроқўмининг раиси йўлда бironта машина тўхтаб, олиб кетармикин деб, қўл кўтариб туради. Аксарият юқори мартабали раҳбарларнинг сиёсий калтабинлиги қишлоқ Советларини хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб қўйди. Оддий бир мисол. Қишлоқда ободончилик ишлари учун битта трактор керак. Қишлоқ Совети ижроқўми раиси колхоз раҳбарларига эланишга мажбур. Кўп жойларда иш шу даражага бориб етдики, қишлоқ Совети ижроқўми раиси лавозими колхоз раиси ёки совхоз директори ихтиёридаги штатга айланиб қолди.

Шерматобод қишлоқ Совети ўрамида иккита колхоз, 8 та мактаб, пойабзал фабрикасининг филиали, ўнлаб савдо нуқталарига эга бўлган қишлоқ матлубот жамияти ишлаб турибди. 25 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Қишлоқ Советида бугунги энг долзарб муаммо бу — уй-жой, томорқа масаласидир. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари билан олиб борилган суҳбатлар аҳоли турмуш шароитининг ёмонлиги, ёш оилаларда қўйдичиқдининг кўплигига ҳам асосий сабаб шу эканлигини кўрсатди.

Дарҳақиқат, кўпгина хонадонларга 4—5 тадан келин тушган. Ҳар бир оилада 3—4 тадан фарзанд бўлса, аҳвол нақадар оғирлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Моддий таъминланганлиги паст бўлган қишлоқ шароитида бундай оилаларда тотувлик ҳақида гап бўлиши мумкинми?!

Ана шуларни ҳисобга олиб, ўтган йили ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагида 800 га яқин хўжаликка экин-тикин учун 6 сотихдан ер ажратилди.

— Қишлоқ Совети ижроқўмларининг қаддини тиклаш учун, — дея сўзини давом эттирди М. Насриддинова, — энг авало, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш лозим. Бу корхона ва хўжаликлар келтираётган фойданинг маълум қисмини қатъиян қишлоқ Совети бюджетида қолдириш демакдир. Ана шундагина жамоа раислари аҳволи оғир оилалар учун арзимаган ёрдам кўрсатиш ёки қишлоқ Совети биносини оқлаб қўйиш учун ҳам маблағ сўраб район молия бўлимига чопиб юрмайди. Ана шундагина жамоаларнинг маҳаллалари обод, тили ҳам, қўли ҳам узун бўлади.

Жамоа раиси бўлсайдим...

Шерматобод қишлоқ Советининг Ленин номли маҳалла комитетида катта-кичик етти қишлоқ бор.

— Маҳалла комитетларининг ишини яхшилаш учун унга имтиёзлар бериш керак, — суҳбатга қўшилади шу маҳалла комитети раиси Турғун Тожихонов.— Бунинг бирдан-бир йўли бор: қишлоқларда ҳам шаҳардагидай маҳалла комитети раҳбарларига маош белгилаш; қишлоқ Совети ижроқўми юмушларининг бир қисмини шу комитет зиммасига юклаш лозим. Шунда қишлоқ Совети майда-чуйда ташвишлардан халос бўлиб, халқни ўйлантириб келаётган ижтимоий масалалар билан шуғулланишга имкон туғилади. Маҳалла комитети раислари эса асосий иш жойи ҳисобланган қайсидир идоранинг эмас, асосан маҳалла дарду ҳасратлари, юмушлари билан андармон бўлади. Мана, ўзимдан қиёс. Каттагина мактабда илмий бўлим мудириман. Асосий вақтим мактабда ўтади. Маҳалла ташвишлари билан фақат қўлим бўшаган пайтлардагина шуғулланаман. Яна бир таклифим, одамларга бериладиган ҳужжат ва характеристикалар маҳалла комитетларида тасдиқланса мақсадга мувофиқ бўларди. Айниқса, раҳбарликка кўтарилаётган шахслар ҳақида маҳаллалардан характеристика сўралса ва бу ҳужжат ўша шахс тақдирида муҳим роль ўйнаса нур устига аъло нур бўлар эди. Ана шунда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, оилада қўйди-чиқди сингари иллатларга қарши кураш янада кучайган, эл дарди билан иши йўқ кишиларнинг раҳбарлик лавозимларига суқилиб кириши сезиларли камайган бўлур эди. Кишиларни ҳеч бир ташкилот ўз маҳалласичалик яхши билмайди. Ҳозир маҳалла комитетларида ҳеч қандай имтиёз йўқ. Унинг фикрлари юқори идораларда деярли инобатга олинмайди. Шу сабабдан айбдорларга бирор таъсирлироқ чора кўролмаймиз. Фақат маслаҳат берамиз, изза қиламиз, уялтирамиз.

— Агар мен қишлоқ Совети ижроқўмининг раиси бўлганимда, — дейди куюниб Турғун ака Тожихонов, — кенгашларда хўжалик ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитишни йўлга қўйган бўлардим. Ўз вазифасини эплолмаган, лавозимини суиистеъмол қилган раҳбарларга нисбатан тегишли чора кўриларди.

Афсуски, бу гаплар ҳозирча зардаси қайнаган бир маҳалла комитети раисининг орзуси, холос. Бироқ кимлардир шу ҳақда ўйлай бошлабдими, демак келажакда ўшандай кунларнинг, воқеаларнинг гувоҳи бўлсак ҳам ажаб эмас.

«Тошхон жомо»нинг жияни

Кишини бир тарихий ҳақиқат ўйга толдиради. 40—50 йилларда жамоа раисларининг дабдабаси еру-кўкни титратгувчи эди-ку?! Нега ҳозир ундай эмас?

Ҳукмини ўтказа билган жамоа раислари 60-йилларнинг охири 70-йилларнинг бошларида ҳам топиларди. Ана шундайлардан «Тошхон жомо»ни Избоскан аҳолиси билади. «Тошхон жомо»нинг юриш-туришлари, давраларда ўзини тутишлари, яхшиларга меҳри-ю, ёмонларга қаҳрини одамлар гоҳгоҳ ҳозир ҳам эслаб қўядилар.

Янги замон қишлоқ Совети ижроқўмида ўша машҳур онанинг жияни Тўлқинбой Ғафуров раислик қилади. У жамоага раислик фаолиятининг асосий моҳиятини оилалар моддий аҳволини мустаҳкамлаш орқали аҳоли турмуш маданиятини оширишдан иборат, деб билди.

1987 йил баҳор ойлари, Ғафуров қишлоқ Совети ижроқўми раислигига янгигина сайланган кезлар эди. Фарғонадаги партия ва совет ходимлари малакасини ошириш курси тингловчилари билан Олтиариқда бўлиб, у ердан сувқоғоз остида эртаки бодринг етиштириш тажрибасини кўриб келди-ю буни ўз қишлоғи Туячида ҳам оммалаштириш пайига тушди. Бироқ минг марта сўзлагандан бир бор кўрган афзал эди. Совхоздан ажратилган автобусга элликдан ошиқ миришкорни ўтқазиб олтиариқликлар тажрибасини кўрсатиб қайтди. Шундай қилиб, ҳозир юзлаб хонадонлар ана шу усул билан эртаки бодринг етиштириб, баҳор ойларидаёқ тузукина даромад қила бошлашди.

Т. Ғафуровнинг изчил олиб борган тушунтиришлари натижасида қишлоқ аҳолиси помидор кўчати етиштиришнинг ҳам ҳавосини олди.

Ленин номли кўчада яшовчи Раҳмонали Раҳматалиев ўз томорқасининг 2 сотихига помидор ва бошқа кўчатлар етиштиришга мослаб парник қурибди. Бундай қўлбола парник нари борса 350—400 сўм билан тайёр бўларкан. Раҳматалиевлар хонадони шу парникдан ҳар йили оила рўзғори учун анчагина даромад қилиши маълум бўлди. Кўчатлар сотиб тугатилгач, темир тўсинлар устига ёпилган сувқоғозни оҳиста йиғиб қўйиб, сабзавот экинлари экиш ҳам мумкин.

Пахтакор кўчасида истиқомат қилувчи Деҳқонбой Қаландаров ҳам иши пишиқ, омилкор деҳқон эканлиги кўриниб турибди. Унинг қўлбола парнигида камида 70-80 минг туп помидор кўчати етиштирилади.

Жамоа раиси Т. Ғафуров одамларга қайси экинни қандай етиштиришни ўргатибгина қолмай, улар етиштирган маҳсулотни қандай, қаерга сотиши мумкинлигини ҳам ўйлайди. Масалан, район тайёрлов идорасининг қуввати паст. Аҳоли етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб улгурмайди. Бу муаммони қишлоқ Совети ижроқўми ўз зиммасига олди. Т. Ғафуров елиб-югуриб, қўшни вилоятларнинг тайёрлов идоралари билан шартномалар тузди. 1989 йилда жамоа деҳқонлари ана шу шартномага асосан 1 миллион 127 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердилар. Деҳқон ҳам хурсанд, ҳукуматимиз ҳам.

Кўчат етиштириш тажрибаси мактабларда ҳам йўлга қўйилмоқда. Масалан, қишлоқ Совети ҳудудидаги 17-ўрта мактабнинг 8 сотих ерида парник хўжалиги ташкил этилди. Парник мактабни иситиш учун олиб ўтилган қувурлар устига мослаштирилган. Кўчат иссиқдан баҳраманд бўлади. Бундан топилган маблағ мактаблар ремонти учун сарф қилинади.

Ерингиз бор, уқувингиз-чи?

Кейинги икки-уч йил мобайнида Янги замон қишлоқ Советида бир қатор ижобий тажрибалар ҳам тўпланди. Ишчанлик, кун тартибига қўйилган масалаларнинг чуқурроқ ўрганилиши, ошкораликнинг кучайтирилиши сессиялар учун характерли ҳол бўлиб қолди. Хўжалик, социал ва маданий қурилишнинг долзарб муаммолари кўпроқ муҳокамага қўйилмоқда. Депутатларнинг фаоллиги ошиб, нутқларининг мазмуни ва руҳи ўзгарди. Уларда сайловчиларнинг манфаатлари ҳамда талаблари ўзининг тўлароқ ифодасини топмоқда. Танқидий мулоҳазалар, амалий таклифлар дадил ўртага ташланяпти.

Сессияда қилинадиган маърузалар совхоз бўлимлари, хўжалик тармоқлари ва маданиятни ривожлантириш учун бевосита жавоб берадиган, маълум йўналишдаги ишларнинг аҳволини чуқурроқ билган кишиларга топширилмоқда.

Қишлоқ Совети ижроия қўмитасида 1990 йилдан бошлаб аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш ва ишсизларни иш билан таъминлаш комплекс плани ишлаб чиқилган. Бу муҳим тадбирни амалга оширишда сайловчилар томонидан ишонч билдирилган 50 нафар депутат виждонан иш бошлади. Ана шу планга асосан «Октябрь 50 йиллиги» совхози 1989 йилда халқни сут-қатиқ ва гўшт билан таъминлаш мақсадида аҳолига 1049 тонна беда, 248 тонна силос, 267 бош қўй ҳамда зотдор бузоқ етказиб берди.

Қишлоқ Совети ижроия қўмитаси ерни бошқаришни тўлиқ ўз тасарруфига олди. Агрономлар, агрохимиклар, уста деҳқонлардан иборат ердан фойдаланишни назорат қилувчи комиссия тузилди. Бу комиссия ердан фойдаланишни назорат қилиш билан бирга, одамларга томорқалардан унумли ва инсоф билан фойдаланиш йўлларини ҳам тушунтириб боради. Чунки тасарруфида 15—20 сотих ери бўла туриб, чой-чақага зор бўлиб юрган кишилар ҳам кўп.

Кейинги уч йил ичида 1000 га яқин оилага ер участкаси, шу йилнинг ўзида эса совхоз ишчиларига 129 гектар ҳосилдор ер фойдаланиш учун бўлиб берилди. Деҳқонларга ўша ерда қандай экин яхши битиши ва давлатга нималар зарурлиги ҳақида малакали маслаҳатлар ҳам берилмоқда. Чунки ёппасига бир хил нарса экиб уни сотолмай чиритиб юборилган ҳоллар ҳам кўп бўлган.

Совхозда консерва цехи шу йил ишга тушади. Тайёрлов идорасидан ортган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шу цехда консерва қилиб, аҳолига етказиб бериш кўзда тутилган.

Қишлоқ Советининг озиқ-овқат билан таъминлаш комплекс плани тўлиқ амалга оширилса жамоада яшовчи ҳар бир киши йилига 142 кг сабзавот, 78 кг ҳўл мева, 18 кг узум, 270 кг сут ва сут маҳсулотлари, 68 кг гўшт ҳамда 219 дона тухум истеъмол қиладиган бўлади.

Иш ваколатга яраша бўлса

Янги замон қишлоқ Совети ижроқўмининг раиси Т. Ғафуров дабдаба билан еру кўкни титратиб юрмайди. Бироқ қуш уясида кўрганини қилади деганларидай, унга холасидан ўктамлик, ноҳақликка муросасизлик мерос бўлиб ўтган. Ҳақиқат эгилган жойда сукут сақлаб туролмайди. Биз бу ҳақда ҳозир тўхталиб ўтирмаймиз. Негаки, унинг ишчилар манфаати йўлида совхоз, район раҳбарлари билан тортишувларининг ўзи алоҳида мақола бўлиши мумкин.

Т. Ғафуров ана шу хислатлари билан аҳолининг ҳурматини қозонди. Совхоз ишчилари энди уни ҳисобкитобли, жамоа ҳақ-ҳуқуқини, манфаатларини ҳимоя қила биладиган раҳбар сифатида қадрлашади. Жамоанинг унга бўлган меҳри яқинда қишлоқ Совети ижроқўми раислигига ўтказилган қайта сайлов жараёнида ҳам яна бир бор намоён бўлди.

— Советларнинг обрўсини оширишда шахсларнинг роли бениҳоя улкан, — дейди Тўлқинбой Ғафуров. — Ҳозир тўртта одамнинг бошини бир ерга қовуштириб, муросага келтириш мушкул вазифа бўлиб қолди. Оммани бошқариш учун унга аввало амалий жиҳатдан ўрнак бўлишинг зарур. Бу жиҳат раҳбарнинг ахлоқий поклиги, принципиаллиги, ишчанлиги ва сиёсий-иқтисодий билимининг чуқурлигида кўринади. Кимдаки, шу тўрт фазилатдан бирортаси хирароқ намоён бўлса ундай раҳбарни халқ менсимайди. Иши ҳам юришмайди.

Афсуски, Избоскан районида ўз ваколатини тўлиқ англаб етмаган жамоа раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Пойтуғ шаҳар Совети ижроқўмининг раиси Зарбот Тўхтабоев ана шундай кишилардан эканлигининг гувоҳи бўлдик. У оддий ер-жой масаласидаги низони 6—7 ойлаб ҳал қилолмайди. У билан ишини битиролмаган шикоятчилар район партия комитетига танда қўяди. Натижада, райкомнинг котиблари, қатор бўлимлар асосий ишларини бир четга қўйиб, З. Тўхтабоев, аниқроғи ижроқўм ваколатидаги масалани ҳал қилиш учун соатлаб вақт сарф қиладилар.

Мамлакатимизда революцион қайта қуришни тезроқ амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг роли ва ҳуқуқлари катта эканлиги партия, ҳукуматимиз қарор ва ҳужжатларида эътироф этилди. Энди ҳамма гап маҳаллий Советларнинг масалаларга қай даражада иқтидор ва дадиллик билан ёндашувида қолди десак хато қилмаймиз.

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

• *Бугун—Темирйўлчилар куни*

ЯНГИЛАНИШ НИШОНАЛАРИ

Кейинги пайтда йўловчилардан темир йўл хизматидаги аҳволни яхшилаш тўғрисидаги талаб ва истакларни кўплаб оляпмиз. Одамлар вокзаллардаги шароитлардан, билет сотишдаги тартибсизликлардан, кузатувчиларнинг қўпол муомаласидан нолиб гапиришяпти ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини тубдан ўзгартириш лозимлигини таъкидлашяпти. Хўш, юқоридаги ҳақли талабларни ҳисобга олган ҳолда аҳволни ўнглаш учун қандай ишларни амалга оширяпмиз!

АВВАЛО шуни айтиш керакки, яқиндан бошлаб билет сотиш системасини такомиллаштиришга киришдик. Тошкентда олдиндан билет сотиш кассаларининг ҳаммаси автоматлаштирилди. Илгари йўловчи билет олиш учун 15—20 минут вақтини бой берган бўлса, ҳозир 1,5 минутда тегишли йўналиш бўйича билет олмоқда. Келгусида жумҳуриятимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам худди шундай автоматлаштирилган билет кассалари очиш ниятидамиз.

Умуман, йўловчиларга кўпроқ қулайликлар яратишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир Иттифоқимизнинг марказий ҳамда зиёратгоҳ шаҳарларига йўловчи ташиш ишларини бирмунча яхшиладик. Айниқса, ёз ойларида шу шаҳарларга билет сотиб олиш учун навбатда турганлар сонини камайтиришга эришдик. Бунинг учун нима қилдик? Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарларга 10 кун олдин сотиладиган билетлар миқдори ва бўш жойлар рўйхатини назорат қилишни йўловчиларнинг ўзларига топширдик. Қаерда тартибсизликка йўл қўйилган бўлса, ўша жойда айбдорлар жавобгарликка тортилади. Шу тариқа кассирлар фаолиятига жамоатчилик назорати кучайтирилди.

Яна бир масала. Йўловчиларга поездларда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида кузатувчилар ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Вагонларни тоза сақламаган, хизматни эплай олмаган ва тартиб-қоидани бузганлар қатъий жавобгарликка тортиляпти. Баъзида эса ҳатто ишдан бўшатишгача бўлган чоралар кўрилмоқда.

Ҳозир биз асосий йўллар бўйича узайтирилган состав поездлари сонини бир неча бараварга кўпайтирдик. Натижада бир қатор йўналишлар бўйича қўшимча йўловчилар ташиш имконияти туғилди. Айни пайтда янги йўловчи поездларини ҳам ташкил қиляпмиз. Жумладан, шу йилнинг 26 июлидан бошлаб Самарқанд — Душанбе янги поезди юрмоқда. Куни кеча эса Тошкент — Самарқанд йўналишида яна бир поезд қатнай бошлади. Буларнинг барчасини ички имкониятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширяпмиз.

Бугунги кунда темир йўлда энг асосий муаммо — вагонлар етишмаслигидир. Шу сабаб поездлар составини қисқартиришга мажбур бўляпмиз. Ҳозир бизда 2 минг 65 та йўловчи вагонлари мавжуд. Йилига атиги 60 та янги вагон оляпмиз, холос. Агар битта вагон хизмат муддатини ҳисобга оладиган бўлсак, биздаги вагонлар ками билан 25—30 йил ишлатилаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Тўғри, деполарда эски вагонларни қайтадан ремонт қилиш йўлга қўйилган. Масалан, Тошкентдаги 2-вагон депоси қошида ремонтчилар бригадаси тузилган. Лекин бу билан аҳволни ўнглаш қийин, деб ўйлайман. Чунки фан-техника кундан-кунга илгарилаб боряпти. Йўловчиларимиз барча қулайликларга эга тезюрар поездларда юришни орзу қилишади. Уларнинг талабларига мос келадиган вагон ва тепловозлар ишлаб чиқариш эса тармоқ олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Иттифоқда ягона ҳисобланган Калинин шаҳридаги вагонсозлик заводида қувватлар етишмаслиги туфайли кам миқдорда вагон ишлаб чиқариляпти. Айниқса, купели вагонлар камлиги йўловчиларни ранжитмоқда. Илгари поезд составининг қарийб ярми купели вагонлардан иборат бўлар эди. Ҳозир эса бир составда атиги тўрт-бешта купели вагонни учратиш мумкин. Менимча, вагон заводларининг қувватларини ошириш, сонини кескин кўпайтириш керак. Бўлмаса хорижий юртлардан вагон сотиб олишни давом эттираверишга ва бунга кўпроқ валюта сарфлашга тўғри келади. Иқтисодиётимиз оғир бўлган бир пайтда валютани бундай харж қилиш биз учун зарар, деб ҳисоблайман.

Ёз фаслида жумҳуриятимиз меҳнаткашларининг кўпчилиги отпускага чиқиб, сафарга отланишади. Шундай пайтда уларни истаган манзилларига элтиб қўйиш транспортчиларнинг, жумладан, биз, темирйўлчиларнинг ҳам бурчимиз. Лекин биз студент қурилиш отряди вакилларини, ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни ва бошқа тоифадаги йўловчиларни ташиш билан бандмиз. Бунинг устига поезд составининг камлиги ҳам ишнинг белига тепяпти. Илгари Харьков шаҳрига 18 вагонли поезд қатнаган бўлса, ҳозир худди шу йўналишда 13 вагонли поезд состави ҳаракат қиляпти. Очиғи, темирйўлчилар ишига минтақалардаги миллатлараро муносабатларнинг ёмонлашганлиги ҳам жиддий таъсир кўрсатяпти. Жумладан, Болтиқбўйи ҳамда Кавказорти жумҳуриятларидаги миллий муносабатларнинг чигаллашуви натижасида бу томонларга йўловчилар ташиш сони кескин камайиб кетди.

Хуллас, шу йилнинг икки кварталида йўловчи ташиш планини бажара олмадик. Ўтган 6 ой мобайнида 13 миллион 374 нафар йўловчи ташидик, холос. Ҳозир ишни ўнглаб олишга ҳаракат қиляпмиз. Кадрлар масаласига, тартиб-интизомга ва ўзаро ҳамжиҳатликка асосий эътиборни қаратяпмиз.

Яқинда тарихий ёдгорликларга бой шаҳримиз Самарқанд, Бухоро ва Хивада туристик поездлар учун тўхташ жойи қуришни бошлаб юбордик. Янгидан барпо этилаётган Самарқанд вокзалини йилнинг охиригача фойдаланишга топшириш ниятидамиз. Термизда, Тошовузда янги вокзаллар қуришни мўлжаллаб турибмиз.

Биз, темирйўлчилар тармоқда қайта қуриш, янгиланиш ишларини тезроқ амалга ошириш ҳаракатидамиз. Бу йўлда бошқа соҳа вакиллари билан биргаликда ҳамжиҳат меҳнат қилиш тарафдоримиз.

Т. ДАДАХЎЖАЕВ,
Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси йўловчилар ташиш хизмати бошлиғи.

• *Қайта қуриш тақозоси*

УДДАБУРОНЛАР

Тошкентдаги «Мадраҳим» ва «Сайдали» фирмалари ўзлари тайёрлаган буюмларнинг дастлабки туркумини савдо тармоқларига жўнатишди.

Бу воқеага унча аҳамият бермаса ҳам бўларди — чунки атиги 10 минг сўмлик мол дўконларга чиқарилганди... Уни ҳатто жумҳурият саноат ишлаб чиқариши ҳажмларига таққослаш ҳам кулгили бўлур эди — чунки бу буюмлар жумҳуриятимизда тайёрланаётган моллар бир фоизининг қандайдир ўндан, юздан бир бўлагини ҳам ташкил этмайди...

Лекин шундай бўлса ҳам воқеага аҳамият бермаслик, унинг вазнини ўлчаб кўрмаслик мумкин эмас — биз жумҳурият иқтисодиётида муҳим силжишни бошлаб берган воқеанинг гувоҳи бўлдик: дўконларга хусусий фабрикаларнинг буюмлари чиқарила бошланди. Булар қачонлардир Ленин эълон қилган янги иқтисодий сиёсат тугатилганидан сўнг неча ўн йиллар ўтгач, Ўзбекистонда юзага келган дастлабки хусусий корхоналардир, бинобарин, улар ошкоралик шароитида ошкора пайдо бўлди!

Шундай қилиб, янги иқтисодий сиёсат қайта туғилдими? Йўқ, бу гал бошқачароқ бўлди — иқтисодиётнинг объектив қонунларига таянадиган кўп укладли хўжалик қоидаларини тиклаш сари қадам ташланди. Дангал ва таваккалига иш бошлаб юборган икки мўъжаз фирманинг жонли тажрибасидан сабоқ олса арзийди.

Иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, ишлаб чиқариш ходимлари, бошқарувчилар — ҳатто министрликкача, очиғини айтайлик, қандайдир бир зўр қизиқиш билан ана шу икки кишининг... аниқроғи, икки уддабурон, корчалон, корхона эгасининг сўзларини тинглашарди. Гап атамада эмас: Олий Совет ҳайъатида бугунги кун руҳида мағрур сўзлаётган одамларни кечаги кун қонун ўлчовларига кўра суд қилиши керак бўлур эди.

Ҳа, бугунги кунда айтилаётган гаплар, қилинаётган ишлар аввалги қонунларга тўғри келмаслиги аниқ. Зотан, бу ишлар, бу одамлар ҳаётда ўзининг ҳалол ўрнини топди. Демак, қонунларни ўзгартириш керак. Парламентнинг иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув комитети шу масала билан шуғулланди. Комитет раисининг муовини, жумҳуриятда хизмат кўрсатган иқтисодчи Э. Н. Хўжаев йиғилганларни Ўзбекистон ССРда хусусий корхона эгаси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси билан таништирди.

Бир нарсани таъкидлаб ўтамиз: ҳозирча на Иттифоқимиз, на бошқа жумҳуриятлар амалий фаолиятида бундай ҳужжат йўқ. Шундай қилиб лойиҳани тайёрлаган ишчи гуруҳи кашшофлар вазифасини бажаришга киришди. Лекин бу ушбу гуруҳ ҳеч нарсасиз иш бошлади, деган маънони билдирмайди: СССР ва Ўзбекистон ССР олий қонун чиқарувчи органлари қабул қилиб улгурган бошқа қонунлар мажмуи хусусий корхонага эга бўлиш қоидаларини муҳокама қилиш учун муайян шароит яратди.

«Мазкур қонун Ўзбекистон ССРда хусусий корхона ташкил этишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилайди», деб ёзиб қўйилган лойиҳа муқаддимасида.

«Қонун жумҳуриятимизда бошқариладиган бозорни вужудга келтириш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган», — дейилади сўнгра лойиҳада.

Қандай шаклда омилкорлик кўрсатиш, қайси укладга — давлат, жамоатчилик, кооператив, хусусий мулкчилик укладига таяниш ана шу иш натижаси учун жавоб берадиганларнинг виждонига ҳавола. Улар мусобақалашиб, рақобат қилишсин — фақат қонун доирасида иш юритилсин.

Турмушимизда хусусий мулкчиликнинг моҳияти, унинг тузилиши ва ўрнини қонун, фақат қонун белгилаши керак. Мунозарада қатнашган ҳар бир киши лойиҳага тузатиш ва қўшимчалар киритди, мулоҳазаларини айтди. Лекин уларнинг ҳар бири комитетга унинг ишчи гуруҳига муносиб баҳо берди — ушбу ташаббус фикрлашга омил бағишлаганлиги сабабли ҳам маъқулланиши керак.

Муаллифлар лойиҳани мавжуд қонунлар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилишган, айни вақтда қонунларни такомиллаштириш йўлларини ҳам айтишган.

Лойиҳада «Хусусий корхона», «Хусусий корхона мулки», «Хусусий корхона фаолияти» тушунчалари, якка тартибдаги корхоналар, ширкатлар, масъулияти чекланган корхоналарнинг турлари таърифлаб берилган. Хусусий корхоналарни ташкил этиш шартлари ва тартиби, рўйхатга олиш, бошқарув ва хўжалик фаолиятига тааллуқли шартлар таклиф этилган. Даромадлар ва фойдани вужудга келтириш, корхона эгаси билан ёлланма ходимларнинг ўзаро муносабатлари кўрсатиб берилган. Турли тузилмаларнинг ҳамжиҳатли шакллари, шу жумладан, хусусий корхона эгасига давлат кафолатлари ҳам қараб чиқилган.

Қувонарли томони шундаки, муаллифларга ўнлаб саволлар беришди. Бу яхшилик аломати: лойиҳа амал қила бошлади — у хусусий корхона эгаларига бўлган қизиқишни жонлантиришга ёрдам берибгина қолмай, айни вақтда унга аниқ йўналиш бахш этди.

Дарҳақиқат, ушбу муаммога нисбатан ҳам назарияда, ҳам амалиётда ўз муносабатини белгилаб олишдан олдин, ҳар бир киши: хусусий корхонанинг маҳаллий Совет билан ўзаро муносабатлари қандайлигини, корхонани ким рўйхатга олиши — унга «туғилганлик ҳақида гувоҳнома»ни ким беришини аниқлаб олиши керак. Қанча ходим ёллаш мумкин? Акциялар чиқариш керакми? Солиқ имтиёзлари бўладими? Ишлаб чиқариш фаолиятининг қайси соҳаларига рухсат берилган ва давлат буюртмасини амалда қўлланиш керакми?

Комитет мажлисида фақат сўрашгани йўқ — энг мақбул ечимни биргаликда топишга ҳаракат қилдилар.

Чунончи, кўпчилик ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, хайрия мақсадларига сарфланадиган фойдадан солиқ олмаслик адолатли бўлур эди, деб ҳисоблади.

Бинобарин, бу гал ҳам амалиёт назариядан ўтиб кетди. Иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар ҳали ҳам ўйлаб ўтиришибди, айни вақтда мўъжазгина икки фабрика индамай ўз ишини қиляпти. Минбарга корхона эгаларини, улар билан бирга эса икки фабрика ажралиб чиққан давлат корхонаси директорини таклиф этишди.

Директорни қизиқиш билан, қандайдир бир истеҳзо билан эшитишди: одам ўзининг тагига ўзи болта уряпти. Фабрика хусусий қўлга ўтади — ҳозирги маъмурият қаерда қолади?

— Балки бизни янги хўжайинлар тушунишар, — деди ҳеч иккиланмай директор. Корхонани хусусийлаштириш қандай бошланганини гапириб берди.

...Тошкент мусиқа асбоблари фабрикаси беш ерга жойлашган — бу нарса ўз-ўзидан уларнинг ҳар бирига шошилинч масалаларни ҳал этишда мустақиллик бериш керак, деган фикрга олиб келди. Бу ерда гап фақат «жуғрофияда» эмаслиги маълум: иқтисодий мустақилликка интилиш муҳимроқ. Фабрика қошида бино ва ускуналарни ижарага олган кооперативлар пайдо бўла бошлади. Натижада ишлаб чиқариш анча илгарилаб кетди.

Мустақилликнинг афзаллигини ҳис этган кишилар яна бир қадам олға ташлашди. Таваккалига иш бошлаган икки уста ўз корхонасига асос солишга қарор берди. Улар кооперативдан ўз ҳиссаларини олиб, ундан чиқишди ва боя айтганимиз мўъжазгина икки фабрикага асос солишди.

Бинобарин, ходим ҳам аввалгига қараганда кўпроқ ва яхшироқ ишлайдиган бўлиб қолди. Кўпроқ пул топиш учунми? Бўлмасам-чи! Бу ерда ойига 500-600 сўмдан маош олишади.

«Волга-Волга» фильми ёдингиздами? Мусиқа фабрикасининг бошлиғини норози харидорлар ўраб олишганида, у шундай фармойиш берган эди: уларнинг қўлидан бракни олинг, ўрнига бошқасини беринг! Очиғини айтайлик, Тошкент усталари ҳам бундай воқеани бошидан кечиришган. Лекин брак «муаллифи» ким эканлигини аниқлаш кўпинча мушкул бўларди. Ўша пайтлари ким нима ясаганлигини билиб бўлмасди. Энди, эса уста ишлабгина қолмай, ижод ҳам қилади. Ходим ўзи учун, фабриканинг обрўси учун курашиб, касбидан мағрурланиш ҳисси пайдо бўлди.

Корхона тамғаси эса жуда ажойиб нарса. Фабрикалардан бирининг эгаси Фозилжон Қодиржонов ўз корхонасини бобоси Мадраҳим номи билан атади. Уста Мадраҳим ясаган доиранинг оҳанглари Тошкентдагина эмас, бутун Ўзбекистонда эшитишлари билан, уни ким ясаганини билиб олишарди. Энди набираси усталар сулоласининг асосчисини муносиб қадрлади. Бошқа фабрика эгаси Сайдали Шокиров дастлабки авлод устаси ҳисобланади. У корхонасига ўз номини беришга аҳд қилди. Ишқибозлар ана шу ерда ясалган «Сайдали» тамғали дуторни чертиб кўрдилар. Нима ҳам дердик, тамға шарафи ўз номининг шарафига айланиши яхши эмасми. Ҳамкасблари, шериклари ҳам фабрика тамғасининг шон-шарафини туну кун ўйлайдиган бўлиб қолдилар.

Тамға обрўси — иқтисодий ривожланишнинг кафолатларидан биридир. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳақида гап борганида, фақат доира, дутор, дўмбира, карнайларнинг сонини ҳисоблаш керак эмас. Уларнинг сифати ҳам сонига қўшилиб кетаверади. Ҳар бир ходим аввалгига нисбатан бир ярим баравар кўп унумдорлик билан ишлаяпти, натижада асбобларнинг оҳанглари ёқимли, безаклари кишни кўзини қувонтирадиган бўляпти. Чорсудаги универмаг ва «Шарқ гули» фирма дўкони «Мадраҳим» ҳамда «Сайдали» фабрикаларининг асбобларини шартномавий нархларда олмоқда.

Тўғри, ушбу фойданинг катта қисми кетиб қоляпти — хусусий фабрикалар савдога давлат корхоналарига нисбатан икки баравар кўп арзонроқ мол чиқаришга мажбур бўлишмоқда. Бунинг устига хусусий корхона эгаларининг фойдасидан олинадиган солиқ ҳам барқарор эмас.. Шундай қилиб, мулкчиликнинг турли шакллари тенглиги хусусида гапиришга ҳали эрта. Лойиҳа муаллифлари хусусий мулк эгасини корхона оёққа тураётган вақтда солиқдан озод қилиш имкониятини назарда тутганлар.

Мусиқа асбоблари давлат фабрикаси барча бўлинмалари омилкор кишилар ихтиёрига ўтадиган вақтга жуда оз қолди. Хўш, унда ҳозирги маъмурият нима қилади?

— Уларни сақлаб қоламиз, — дейишди бир овоздан хусусий корхона эгалари.

Улар тажрибали иқтисодчилар, таъминотчилар, муҳандислар хизматига муҳтождирлар. Шунинг учун ҳам уларга ҳозиргига нисбатан кўпроқ ҳақ тўлашга тайёр туришибди.

— Ҳозир бизда 480 ходим — 34 нафар бошқарувчи ишлаяпти. 3,5 миллион сўмлик маҳсулот чиқарамиз, — деди П. Азаматов. — Корхонани хусусийлаштириб бўлганимиздан сўнг 19 нафар бошқарувчи бизга етади. Улар эндигина иш бошлаётган ходимларимизга эҳтиёжни ўрганишда, таъминот ишларида, буюмларни сотишда, цехларни жиҳозлашда, кейин эса, мунтазам равишда оборот маблағларига эга бўлиш ҳамда асосий ҳисобланган бино, ускуна, транспортни бутунлай сотиб олишда ёрдам берадилар. Дастлабки хусусий фабрикаларнинг ҳозирги кўрсаткичларини назарга оладиган бўлсак, келгусида биз ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтира оламиз. Лекин буларнинг ҳаммасига, бизнинг ҳисоб-китобга қараганда, 5—6 йил кетади.

Директор — узоқни кўзлайдиган, келажакка ишонадиган одам. У ўз ҳисобларида хўжалик юритишнинг муқобил шаклларига ўтишдаги ҳозирги мураккаб йўлларга асосланади. Шундай экан, Олий Совет комитети корхона эгаси учун қулайроқ шароит яратиш учун ишламаяптими? Бу шарт-шароитлар истеъмолчига ҳам қулай бўлиши, айниқса, муҳимдир.

Бу ерда гап фақат мусиқа асбоблари фабрикалари хусусида кетаётганида эмас. Ҳақ тўлаган киши истаган мусиқасини буюртираверади, дейишади-ку. Бу ўринда эса корхона эгаси, охир-оқибатда истеъмолчи бюджетга солиқ тўлайди. Уларнинг ижтимоий буюртмаси асосида қонун тайёрлаш керак.

Хусусий корхона эгаси тўғрисидаги Қонуннинг бўлимларидан бири ёки махсус қонун қандайдир корхонанинг яккаҳокимлик мавқеи имконияти пайини қирқиши керак.

Бугунги кунда давлат тасарруфида қолган асосий корхона хусусий фабрикалар билан рақобат қилмоқда. Иккала томон фақат мусиқа ишқибозлари учун эмас, айни вақтда профессионал оркестрлар учун ҳам асбоб ясаш кимга шараф ва фойда олиб келаркин, деб атрофга назар ташламоқда.

Дастлабки пайтларда рақобатнинг бундай шакли ўринли эканлиги кўриниб турибди. Лекин ҳозирнинг ўзида бир соҳада ишлайдиган корхоналар таъсис этиш хусусида ўйлаш лозим. Мабодо мусиқа асбоблари тўғрисида гапирадиган бўлсак, қаердаки ушбу ҳунар анъаналари мавжуд бўлса, қаердаки ўз мактабини, сўнгра эса корхонасини ривожлантириш имконияти бўлса — ўша ерларда — Самарқанд, Хива, Андижон, Китоб усталарига давлат ҳомийлик қилса ўринли бўлур эди.

...Хусусийлаштириш жараёни, кўриниб турибдики, анча мушкул бўлади, ҳали у тез амалга ошмайди. Лекин, бу жараённи чўзиб ўтиришнинг, мураккаблаштиришнинг ҳожати йўқ. Халқ маъқуллаган қайта қуришни ҳозирги замон талабига жавоб берадиган бозорсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бозорни эса хусусий корхона эгаларисиз кўз олдимизга келтира олмаймиз.

Ўз-ўзидан маълумки, мўъжазгина икки фабрика орттирган тажрибанинг моҳиятини ҳам ошириб юбориш керак эмас. Лекин уларнинг ишларида асосий мағиз борку, ахир! Тажрибалар ўтказиладиган даврни иложи борича қисқартириб, хусусий мулкчилик бутун жамиятимиз манфаатлари йўлида янада самарали ишлай оладиган аниқ соҳаларни белгилаб олиш, корхоналарни хусусий мулкка айлантиришнинг турли йўллари ва шаклларини рўёбга чиқариш борасидаги ишончли тажрибани амалда қўлланиш керак бўлади.

...Мунозаранинг яна бир фойдаси устида тўхталмоқчиман: бу ерда рақибларгина эмас, маслакдошлар ҳам учрашди. Қонун тайёрлашда ҳамкорлик қилишга тайёр идоралар, жамоат ташкилотлари, айрим мутахассислар доираси вужудга келди. Шу ернинг ўзида ўнлаб таклифлар айтилди ёки улар ёзма равишда топширилди. Дўстлар, агар янги фикр-мулоҳазалар, маслаҳатлар пайдо, бўлса, уларни Олий Советга, иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув комитетига юборинглар.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

• 6 август, душанба

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильм. 18.00 Болалар учун фильм. 19.30 Ахборот. 19.50 Халқаро ҳаёт. 20.15 Ҳужжатли фильм. 20.30 Время. 21.00 Концерт. 21.45 Инсон ва табиат. 22.00 Ахборот. 22.20 Экран таништиради.

УзТВ-II. 18.10 «Топишмоқ». 18.40 Телефильм. 19.10 «Осетия афсонаси» Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 «Панд ниегон» 21.30 Ижара пудрати. 22.00 Ахбор. 22.20 «Жилвагар олам». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 «Ференц Лист». Бадиий фильм, 1-серия. 9.15 Яхши ният ўйинлари. Бокс. Финал. 11.30 Концерт. 12.00 Время. 12.40 Мультфильм. 12.55 Боливия оҳанглари. 15.50 Болалар учун фильм. 16.55 Шеърият лаҳзалари. 17.00 Яхши ният ўйинлари. 18.00 Время. 18.30 Яхши ният ўйинлари. Хоккей. Финал. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Жаҳон халқлари ижоди. 21.45 Яхши ният ўйинлари. Фигурали учиш. 23.45 Концерт. 00.45 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.20 Фильм-спектакль. 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.20 Мюзикллар. 10.50 Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар. 16.00 Яхши ният ўйинлари. Сувга сакраш. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Время. 18.30 Мультфильм. 18.40 Концерт. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Коллаж. 19.50 Композитор Николай Будашкин. 20.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 21.15 «Бегона». Бадиий фильм.

• 7 август, сешанба

УзТВ-I. 11.30 Болалар учун фильм. 12.00 Чўлпон ижоди. 13.25 «Чет эллик қиз». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильм. 17.55 «Качал полвон». Спектакль. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.50 Тижорат хабарлари. 19.55 Ёзувчи ва замон. 20.30 Время. 21.00 Съезддан кейинги ўйлар. 21.20 Созимда севги васфи. 22.00 Ахборот. 22.20 «Қизлар базми».

УзТВ-II. 18.10 Телефильм. 18.40 «Паролнинг ҳожати йўқ». Бадиий фильм, 1-серия. 19.50 Давр тақозоси. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Қадри сухан. 21.40 Бола ва она. 22.00 Ахбор. 22.20 «Тўтиқушли хоним». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 «Ференц Лист». Бадиий фильм, 2-серия. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.35 Дунё бўйлаб. 10.35 Бу бўлган... бўлганди... 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.45 Болалар учун фильм. 16.50 Теннис. Европа чемпионати. 17.15 Мультфильм. 17.30 Биз ва иқтисодиёт. 18.00 Время. 18.25 9-студия. 19.15 «Ференц Лист». Бадиий фильм, 1-серия. 20.30 Время. 21.00 Адабий-бадиий программа. 23.00 Концерт. 23.30 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.20 «Топишмоқ». Спектакль. 10.15 Фильм-концерт. 10.45 Ритмик гимнастика. 11.15 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 1-серия. 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 Время. 18.30 Мавжуд вазиятга кўра. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Концерт. 20.10 Биз яшаётган олам. 21.10 Концерт.

• 8 август, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Фильм-концерт. 11.50 Кинопрограмма. 12.50 «Кўл тубидаги хазина». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.35 Фильм-концерт. 18.05 Шоирлар — болаларга. 18.50 Чойхоналар ҳақида. 19.30 Ахборот. 19.45 Манзарали фильм. 20.00 Концерт. 20.30 Время. 21.00 Омон Матжон билан мулоқот. 22.00 Ахборот. 22.20 «Нофелет қаерда». Кинокомедия.

УзТВ-II. 18.05 «Паролнинг ҳожати йўқ». Бадиий фильм, 2-серия. 19.35 Тижорат хабарлари. 19.50 «Тошкент» студияси. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 21.40 Ҳужжатли фильм. 22.00 Ахбор. 22.20 Ҳаёти деҳот. 23.00 Телефильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 «Ференц Лист». Бадиий фильм, 3-серия. 9.15 «Сўз». 11.15 Мультфильм. 11.30 «ТелеЭКО». 12.00 Время. 15.45 Болалар учун фильм. 16.50 Мусиқий хазина. 17.30 Сиёсий мулоқотлар. 18.00 Время. 18.30 «Беш юз кундан бери». 19.15 «Ференц Лист». Бадиий фильм, 2-серия. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Телефильм. 22.20 Инсон ва қонун. 23.35 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Мультфильм. 8.45 Ҳужжатли фильмлар. 9.15 Фильм-концерт. 10.00 Балалар учун кўрсатувлар саҳифаларида. 10.30 Дўстлар даврасида. 11.20 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 2-серия. 16.30 Концерт. 18.00 Время. 18.30 «Зона ёки яна бир бор Асеев ғояси ҳақида». 19.15 Хайрли тун, кичкинтойлар!. 19.30 Мерганлик. Жаҳон чемпионати. 19.45 Ҳужжатли фильм. 21.00 Футбол. «Спартак» — «Шахтёр». 22.50 Концерт.

• 9 август, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Болалар учун фильм. 12.00 Телефильмлар. 12.40 «Серёжа». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Болалар учун фильм. 18.55 Алифбо сабоқлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Ёшлик. 20.20 Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги хабар беради. 20.30 Время. 21.00 Дил номалари. 22.00 Ахборот. 22.20 Тафаккур гулшани.

УзТВ-II. 18.05 Телефильмлар. 18.40 Китобсеварлар. 19.20 «Иккиёқлама қопқон» Бадиий фильм, 1-серия. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 21.40 Сирена. 22.00 Ахбор. 22.20 «Аламлардан кучли». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 «Ференц Лист» Бадиий фильм. 4-серия. 19.15 Педагогика ҳамма учун. 10.15 Концерт. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж 12.00 Время. 15.45 Болалар учун фильм. 16.50 Фолклор байрами. 18.00 Время. 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 «Френц Лист». Бадиий фильм, 3-серия. 20.30 Время. 21.00 И. Л. Андрониковнинг оғзаки ҳикоялари 22.00 Балет... 23.00 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.20 Ҳужжатли фильмлар. 9.00 Концерт. 9.30 Нега ва нима учун? 10.00 Фильм-балет. 11.05 Ритмик гимнастика. 11.35 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 3-серия. 16.30 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. 18.00 Время. 18.30 Экология ҳақида мулоқотлар. 19.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.30 Мерганлик. Жаҳон чемпионати. 19.45 Концерт. 21.00 Футбол. «Динамо» (М) — ЦСКА. 22.50 «Машинистка». Телеспектакль.

• 10 август, жума

УзТВ-I. 11.30 Болалар учун фильм. 12.30 Телефильм. 12.50 «Диққат тошбақа». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Болалар ва мусиқа. 19.00 Дала неъматлари — эл дастурхонига. 19.30 Ахборот. 19.50 Тилга эътибор. 20.30 Время. 21.00 Тижорат хабарлари. 21.15 Аҳмаджон Шукуров куйлайди. 21.50 Одобнома. 22.00 Ахборот. 22.20 «Дўст». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 18.05 Телефильм. 18.20 «Иккиёқлама қопқон». Бадиий фильм, 2-серия. 19.30 «Тошкент» студияси. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Самарқанд шаҳрининг «Панжоб»ида меҳмонда. 22.00 Ахбор. 22.20 Ранда. 22.50 Концерт.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 «Ференц Лист». Бадиий фильм, 5-серия. 9.40 И. Л. Андрониковнинг оғзаки ҳикоялари. 10.40 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 11.25 Фильм-концерт. 12.00 Время. 15.00 Болалар учун фильм. 16.35 Мультфильм. 16.55 Ҳужжатли фильм. 17.15 «Асраб авлодларга етказ». 18.00 Время. 18.30 Концерт. 18.45 Реклама. 19.15 «Ференц Лист». Бадиий фильм, 4-серия. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 ИИМ маълумотларига кўра. 21.15 «Ференц Лист». Бадиий фильм, 5-серия. 22.50 Бу бўлган... бўлганди... 23.10 «Эгизаклар—90». Шоу — программа. 01.10 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.20 Чашмалар. 8.50 Ҳужжатли фильмлар. 9.20 «Савойеда зиёфат». Бадиий фильм. 11.30 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 4-серия. 16.30 Меҳр-шафқат. Бугун, ҳозирда. 18.00 Время. 18.30 Мультфильм. 18.40 «Тольяттида уч кун». 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Спорт ҳамма учун. 20.00 Концерт. 22.30 Мерганлик. Жаҳон чемпионати.

• 11 август, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Одобнома. 10.10 Бугун — физкультурачилар куни. 11.10 «Бефайз якшанба». Бадиий фильм. 12.25 «90-йил абитуриенти». 12.55 «Гул ва Наврўз». Спектакль. 14.45 Спорт кўрсатувлари. 15.40 Иш ўнгидан келганда. 16.10 Социал муаммолар диққат марказида. 16.25 Деҳқоннинг ўйлари ва мулоҳазалари. 17.00 «Мотор» ишга таклиф қилади. 17.15 Тенгдошлар. 18.00 Футбол. «Пахтакор» хотира-совғини. Финал. «Нурафшон» (Бухоро) — «Шахтёр» (Ангрен). 19.45 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Время. 21.00 «Тошкент студияси. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм, 1-серия.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 «Савту калом». 9.55 Физкультурачилар куни. 10.35 «Олтин мабуда». Бадиий фильм. 11.50 Фильм-концерт. 17.40 «Олтин мабуда». Бадиий фильм. 18.55 Мўъжиза алифбо. 19.30 Новости. 19.50 «Жиноят». Теленовелла. 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ахбор. 22.20 Боз як барномаи жавони.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Сиз яратган боғ. 8.30 Инсон, Ер, Коинот. 9.30 Тижорат хабарлари. 10.00 Концерт. 10.50 Москва — Мельбурн телекўприги. 11.40 Болалар учун фильм. 12.45 Ҳайвонот оламида. 13.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 15.30 Сиёсий мулоқотлар туркумидан. 16.45 Концерт. 17.10 Халқаро панорама. 18.00 «Баскервилейлар ити». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 20.30 Время. 21.00 СССР ҳукуматида. 21.10 Кинопанорама. 22.40 Концерт. 23.45 ТСН.

МТ-II. 7.30 Бадантарбия. 7.45 Татаристон телевидениеси. 8.30 Ҳужжатли фильм. 8.50 Образ. 9.35 Ҳужжатли фильм. 10.00 Доғистон телевидениеси. 11.05 «Оила». 12.05 Мультфильм. 12.15 Халқаро программа. 13.15 Ўзбекистон телевидениеси «Дўстлик» видеоканали. Қозоғистон ва Ўзбекистон оқинлариннинг айтишуви. 15.45 «КВН—90». 17.25 Концерт. 18.15 Реклама. 18.45 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. 20.30 Время. 21.00 «Подшо Фёдор Иоаннович». Фильм-спектакль. 00.20 Мерганлик. Жаҳон чемпионати. 00.35 «Ниқобда ва костюмда». Бадиий фильм.

• 12 август, якшанба


УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Содиқ дўстим, Санчо». Бадиий фильм. 11.20 Яшил чироқ. 11.50 «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм. 13.10 Алифбо сабоқлари. 13.45 Деҳқон юмушлари. 14.15 Концерт. 18.05 Мультфильм. 18.15 Болалар учун концерт. 18.55 Фан уфқлари. 19.30 Ахборот. 19.45 Мультипанорама. 20.20 Время. 21.00 Якшанба оқшомида. 22.00 Ахборот. 22.00 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм, 2-серия.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Мусиқий ахборот. 10.05 Реклама. 10.15 Китобчанинг викторинаси. 10.55 Фильм-концерт. 11.30 «Довюрак Хочбар ҳақида қисса». Бадиий фильм. 18.05 «Довюрак Хочбар ҳақида қисса». Бадиий фильм. 19.40 Греция дурдоналари. 20.30 Время. 21.00 Теленовелла. 21.50 Кинолавҳа. 22.00 Ҳафта. 22.30 Фильм-концерт. 23.15 Телетомошабин ҳамроҳи.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Здоровье. 12.45 Мусиқий киоск. 13.15 Болалар учун фильм. 14.20 Мусаввир Леонид Гусакнинг кундаликлари. 14.30 Изланиш. 15.00 Концерт. 15.45 Қишлоқ янгиликлари. 17.00 Марафон—15. 18.30 Мультфильм. 19.00 «Жимжитликка кўприк». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.00 Концерт.

МТ-II. 7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 Концерт. 8.00 Образ. 9.30 Ҳамдўстлик. 13.00 Тинчлик марафони. 15.30 Саёҳатчилар клуби. 16.30 Мультфильм. 16.50 Ўзбекистон телевидениеси «Дўстлик» видеоканали. Қозоғистон ва Ўзбекистон оқинларининг айтишуви. 19.20 Концерт. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Концерт. 20.30 Время. 21.00 «Варшава кабутарлари». Бадиий фильм. 22.10 Мерганлик. Жаҳон чемпионати.

• *Ўлкамиз ноз-неъматлари*











Саховатли заминимиз ноз-неъматларн ғарқ пишди. Бозорларда тўкинчилик. Олма-узум дейсизми, қовун-тарвуз дейсизми... кўзни қамаштиради. Миришкор деҳқон қадоқ қўли билан етиштирган ширин-шакар маҳсулотини бозорга олиб келди.

Жумҳуриятимиз пойтахти — Тошкентдаги Олой бозорини айланасангиз, дунёмизнинг тупроғи олтинга тенг эканлигини ҳис этасиз.

Миришкор Умарали ота Тўйчиев [биринчи сурат] ўз маҳсулотини Бекобод районидаги

ТЎКИНЧИЛИК

«Ленинград» совхозидаги томорқа ерида етиштирди. У 2 гектар ерни ижара олган.

Иккинчи лавҳа помидор, бодринг, мева-чева сотилаётган расталар ёнида олинган.

Киров район кооператив савдоси ташкил этган дўнчалардаги маҳсулотлар ҳам сифати билан харидорларга манзур бўлаётир [учинчи сурат].

— Томорқа ерларининг қишлоқ аҳлига бериллиши фойдали бўлди, — дейди Нури Салимова. — Мен Паркент районидаги «Коммуна» совхозида ишлайман. Оиламиз аъзолари билан 10 сотих ерда узумзор барпо этдик. Ҳосилимизни нестнобуд қилмай, шаҳарликлар дастурхонига етказишга аҳд қилдик [тўртинчи сурат].

Тўкин-сочин ёз дастурхони янада маъмур бўлаверсин.

Суратларни В. МОЛГАЧЕВ ва М. НАЗАРОВ олган.

АХБОРОТ

ЁШЛАР КЎРИГИ

Бухорода ёш ҳайкалтарошларнинг халқаро кўриги ўтказилди.

Кўрикда Бухоро, Тошкент, Москва ва Одессадан келган санъаткорлар қатори француз ҳайкалтарошлари ҳам иштирок этишди. Франциялик ҳайкалтарош Лоран Рейнес, москвалик Игорь Новиков, тошкентлик Саидолим Шарипов, бухоролик Ҳамро Зоиров, Қурбон Норҳўрозов, Улаш Ўроқовларнинг яратган асарлари кўпчиликка манзур бўлди. Ёшлар деярли икки ой мобайнида вилоят марказидаги стадион ёнидаги майдонда ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Натижада қадимий шаҳар майдонлари, боғ ва хиёбонларида ўрнатиш учун 13 та ёдгорлик асари вужудга келди. Кўрик қатнашчилари жумҳурият Рассомлар уюшмасининг дипломлари ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Н. НАИМОВ.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲУЗУРИДА

Жумҳурият пойтахтининг Муқимий номли музкали драма театри санъаткорлари уч гуруҳга бўлиниб, Қашқадарё вилояти меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССР халқ артистлари Фароғат Раҳматова, Суръат Пўлатовлар бошлиқ гуруҳлар эса Нишон, Косон, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши ва Чироқчи районларида бўлиб, учрашув ва мулоқотларда қатнашдилар. Вилоят меҳнат аҳли пойтахт санъаткорлари хизматидан мамнун бўлишди.

М. КАРОМОВ.

ОБ-ҲАВО...

Ўзбекистон ССР об-ҳавони ўрганиш марказининг маълумотларига қараганда, жумҳурият вилоятларида ҳафтанинг кўпгина кунлари жазирама сақланиб туради. Кечаси, 17—22, кундузи 33—38, жанубий ва саҳро масканларида кечаси 20—25, кундузи 35—40 даража иссиқ бўлиб, Шарқдан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Ҳафтанинг охирига бориб, ҳавода булутнинг кўпайиши кутилади.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрига кўра, бундай жазирамали кунларда шифокорлар ўтган ҳафтадагидек, юрак-томир ва бош мия шамоллаши хасталигига чалинган беморларнинг саломатлигини назорат қилиб туриши лозим. Об-ҳаво инжиқлиги безовта қиладиган барча бемор кишиларга умумий чиниқишни давом эттириш ва шифокорларнинг назоратида бўлишлари маслаҳат берилади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

• *Реклама ва эълонлар* •

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ ҚОМИТЕТИ

Агросаноат комплексидаги қайта ишлаш тармоқлари, шу жумладан озиқ-овқат, гўшт-сут, мева-сабзавотчилик ва бошқа тармоқлар учун транспорт-технология тараларини рационаллаштириш, кашф этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига доир энг яхши таклифлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитлари аҳолини сабзавотлар, мева-сабзавотлар, полиз экинлари, картошка, гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат саноати маҳсулотлари билан мўл-кўл тарзда таъминлаш имконини беради. Бироқ етиштирилган ҳосил транспортда ташиш ва сақлаш муаммоларининг ўз вақтида ҳал қилинмаслиги, айниқса тара-қадоқлаш материалларининг етишмаслиги туфайли истеъмолчиларга тўла-тўкис ҳолда етказиб берилмаяпти. Мавжуд транспорт-технология тараси Агросаноат комплексига қарашли бутун қайта ишлаш конвейерининг узлуксиз ишлашини таъминлай олмайди.

Мазкур танлов тара ва қадоқлаш материалларини тайёрлашга оид маҳаллий шарт-шароитлар ва маҳсулотни сақлашнинг халқчил усулларини ҳисобга олган ҳолда, юксак технологик ва техникавий савияси, ишлаб чиқариш тежамкорлиги ва самарадорлиги билан ажралиб турадиган ўзига хос ечимларни қидириб топиш мақсадида эълон қилинмоқда.

Боғлар ва узумзорларда териб олинган маҳсулотлар, сабзавот ва полиз экинларини транспортда ташиш учун мўлжалланган тараларнинг ишланмалари алоҳида аҳамият касб этади.

ҚУЙИДАГИЧА ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ИШЛАР ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ МУМКИН:

1. Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича:

а) қуйидаги маҳсулотларни жўнатиш учун транспорт тараларини ишлаб чиқиш:

— полиз экинлари учун маҳсулотнинг бутлиги, вазнининг енгиллиги, қайтариб бериш имконияти (ҳажми кичрайган ҳолда) каби талабларга мувофиқ келадиган (контейнерсимон) таралар;

— (қулупнай) резаворлар учун контейнерлардаги унчалик катта бўлмаган (1—2 килограмм маҳсулот сиғадиган) кузовча кўринишидаги таралар;

— узумлар, данакли, уруғли мевалар учун 8—20 килограмм маҳсулот сиғадиган, бирмунча енгил ва эстетик ёғоч яшчиклар, шунингдек полиэтилен, картон тоғоралар;

— картошка, пиёз маҳсулотлари билан кам миқдорда (1—2—3 килограмм чамасида) савдо қилиш ва транспортда ташиш учун. Ҳароратни мўътадил сақловчи плёнка ва ёки бошқа материаллар ҳам бўлиши мумкин.

б) консервалар учун — ҳар хил сиғимлардаги (0,2 литрдан 3 литргача) янгича йўсинда маҳкамлаб беркитиладиган (еврокап ва бошқа турдаги қопқоқлар) технологик таралар, шиша банкалар, полимер таралар.

в) транспортда ташиш учун:

блокларда, контейнерларга ва бошқаларга жойланган ҳолда.

— вино-арақ маҳсулотлари:

Ҳар хил сиғимлардаги шиша идиш (бутилка)лар, полимер идишлар;

— бутилкалардаги маҳсулотларни транспортда ташиш учун ёғоч, полимер ва картон яшчиклар.

2. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларини қайта ишлаш ва транспортда ташиш бўйича:

— сиғими 3—5 килограммлик тунука банкаларни ишлаб чиқариш ва пахта мойини қадоқлашга оид автоматлашган йўналишни ишлаб чиқиш;

— бутилкали маҳсулотларни корхоналардан савдо шохобчаларига транспортда ташиш учун ускуналар тарасининг янги тараларини тайёрлаш;

— озиқ-овқат маҳсулотлари учун турли шакл ва сиғимлардаги шиша идишларнинг янги турларини ишлаб чиқиш;

— пахта мойи ва кир совунни транспортда ташиш учун полиэтилен тараларни тайёрлаш.

3. Гўшт-сут маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича:

— эритилган ёғни қадоқлаш учун сиғими 5 килограммлик тунука банкаларни тавсия этиш (ёғоч бочкалар ўрнига);

— ҳайвон ёғини қадоқлаш учун картондан ишланган ёғ-қутини тайёрлаш;

— сут маҳсулотлари учун маҳаллий хом ашёдан тайёрланган сиғими 0,5 литрлик шиша бутилкалар териб қўйиладиган металл панжараларни тавсия этиш;

— сут маҳсулотлари учун ҳар хил сиғимли стаканлар ишлаб чиқаришга оид таклифларни ишлаб чиқиш.

Танловга тақдим этилаётган ечимлар ишларнинг тавсифи билан қисқагина изоҳ мактубидан иборат бўлиши лозим.

Таклифлар 1990 ЙИЛ 1 ОКТЯБРГАЧА Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитетига ва «Узглавагроснабремонт» Ўзбекистон ССР агросаноат комплексининг моддий-техникавий ва муҳандислик таъминоти Бош бошқармасига қуйидаги манзилга йўлланиши зарур: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй («Танловга» деб ёзиб қўйиш талаб этилади).

ҲАР БИР ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ ЕЧИМЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАНГАН:

Битта биринчи мукофот — 3000 сўм,
Иккита иккинчи мукофот — 2000 сўмдан,
Учта учинчи мукофот — 1000 сўмдан.

Мукофотлар танлов ҳайъатининг қарорига кўра тақдим этилади ва бу ҳақда ишларнинг муаллифларига почта орқали хабар қилинади.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ МАТБУОТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

ДИҚҚАТ!

АГАР СИЗ ЯНА ИТАЛИЯДА ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ИСТАСАНГИЗ

«ОСИЁ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЖОДИЙ БИРЛАШМАСИ

СИЗГА БУНДАЙ ҚУЛАЙЛИКНИ **ЯРАТИБ БЕРАДИ**

«Панасоник» номли 180 дақиқа давом этадиган битта видеокассетада футбол бўйича жаҳон биринчилигининг барча голлари ва хавфли дақиқалари ўрин олган.

Видеокассетанинг нархи — 205 сўм.

Хоҳловчилар арза билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: 700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98, «Осиё» ишлаб чиқариш ижодий бирлашмаси.

Телефон: 45-32-41.

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарларн диққатига!

«Ташгорагропром» бирлашмасининг

ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ТРЕСТИ

ТУГАТИЛДИ

Давоъгарлар **28 августгача қуйидаги** манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22«а» уй.

Телефонлар: 55-99-23.

Ўзбекистон касаба уюшмалари курортларини бошқариш Жумҳурият кенгаши «Узсоветкурорт» раиси Х. Ш. Маҳмудовга укаси

Азим Шарипович МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият ўқув методика кабинети жамоаси кабинетнинг собиқ директори, уруш ва меҳнат ветерани, жумҳуриятда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими

Аҳрор Назарович МУХТОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР прокуратураси жамоаси, фирқа бошланғич ташкилоти, касаба уюшмаси ва раҳбарияти Ўзбекистон ССР прокурори қошидаги ўта муҳим ишлар терговчиси Ф. А. Пардаевга онаси

Фотима Аметовна ПАРДАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда 3-болалар касалликлари кафедраси ходимлари шу кафедра доценти Л. М. Шарофиддиновага онаси

Зубайда ШАРОФИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Спорт* • *Спорт* • *Спорт* •

• *Футбол*

ИНТИЗОМ БАРЧАГА БАРОБАР

БУГУН «ПАХТАКОР» ФУТБОЛЧИЛАРИ МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ИККИНЧИ ДАВРАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Ўринбосарлар етказиб бериш маскани ҳисобланган биринчи лига командалари мамлакат чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларини муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилишди. Мавсум бошида ўтказилган бир қатор ўйинлардан кейиноқ фахрли ўринларга даъвогарлар кўзга ташланиб қолди. Боиси, қатор командалар кучли тўртликдан жой олиб, мавқени мустаҳкамлаган ҳолда ҳал қилувчи даврани бошлаш ниятида эди. Бу борада, айниқса, «Спартак» футболчилари ибрат. Владикавказ ўйинчилари ҳужумкорликка зўр бериб, ягона пешқадамликни бой бермасликка уриндилар. Шунингдек, Запорожьенинг «Металлург», Ставрополь динамочилари, пойтахт темирйўлчилари, Ярославлнинг «Шинник» шунингдек, «Нистру», «Ростсельмаш» коллективлари ҳам бўш келишмади. «Котайк» ва «Нефтчи» командалари бу маънодаги имкониятларини барвақт бой бериб қўйишди.

Олий лигага бевосита ўтишга имкон берадиган кучли тўртликдан жой олганларнинг ҳозирча юзлари ёруғ. Бу борада «Пахтакор» футболчилари ҳам бўш келишмади. Сирасини айтадиган бўлсак, чемпионатнинг дастлабки ярмида кўрсатилган ўйинлардан мухлислар мамнун. Ўйинлар жадвалида футболчиларимиз гарчанд тўртинчи бўлиб туришган бўлса-да, куйинчак мухлислар севимли командаларини иккинчи ўринда деб санашмоқда. (Бу ўйин 7 сентябрда ўтказилади). Сабаб пахтакорчилар ўз майдонларида баъзи сабабларга кўра «Кубань» командаси билан ўйнашмади. Агар вакилларимизнинг ўз майдонларида ўтказган учрашувларини мағлубиятсиз давом эттириб келишаётгани инобатга олинадиган бўлса, уларнинг ҳисобига сўзсиз яна иккита очко қўшилади дейиш мумкин.

Футболчиларимизнинг ўз майдонларида мағлубият аламини чекишмагани қувонарлидир. «Спартак», «Металлург» ва «Шинник» коллективлари ҳам шундай ўйин кўрсатишди. Пахтакорчиларнинг бу йилги мавсумдаги яна бир ютуқлари шундаки, улар сафар ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказиш билан ўзига хос эски «касалликка» барҳам беришди. Чунончи, футболчиларимиз сафарда 11 та учрашув ўтказиб, шундан тўрттасида ғалаба қозониб, учтасини дуранг қилган ҳолда тўрт ўйинда имкониятни бой беришди. Тўпланган очколар 11 тага етди. «Пахтакор» учун бу ўзига хос ўзгариш.

Бу қайратчилар майдонида мустаҳкамланди. Олмаота команда билан ҳамиша қизиқарли ва муросасиз ўтадиган ўйинда дарвозага ягона тўп киритиш билан қўш очколи бўлиш «Пахтакор»га обрў келтирди. Владикавказ шаҳрида ўтказилган учрашувдан кейин мухлисларнинг «Пахтакор»га меҳри янада ортди. Бу учрашувда дарвозаларга еттита тўп киритилди. Пахтакорчилар ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ўрнига қўйиб, ҳужумкорликка зўр беришди. Ният ягона пешқадамдан қўш очкони тортиб олиш эди. Бунга эришилди. 4:3 ҳисобида пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлди. Шунингдек, футболчиларимизнинг «Кузбасс», «Тирас» командалари билан ўйинларда ғалаба қозонишлари эзгу мақсад йўлидаги собит қадамга айланди. Ишқибозларда умид ва ишонч юзага келди.

Умуман пахтакорчилар дастлабки давра ўйинларини самарали ўтказишди. Командамиз кейинги тўрт йил мобайнида барқарор олдинга интилаётгани кўзга ташланмоқда. Айтайлик, пахтакорчилар 1987 йили 12-ўрин билан кифояланишган бўлса, орадан бир йил ўтгач, тўрт поғона юқорига кўтарилишди. Бултур эса биринчи даврада 24 та очко билан олтинчи ўрин эгалланган мухлисларга аён. Бу йил ҳам пахтакорчилар шунча очко тўплашди. Лекин тўплар нисбати булутгига қараганда бирмунча яхшиланди. Дарвозаларга 34 та тўп киритилиб, 22 та ўтказиб юборилди.

Дарвозани нишонга олишда пахтакорчилар орасида Игорь Шквириннинг меҳнатлари алоҳида аҳамият касб этди. Бу футболчи моҳир тўпурар сифатида биринчи давра ўйинлари мобайнида дарвозаларни 19 марта нишонга олишга муваффақ бўлди. Деярли ҳар бир учрашувда Шквириннинг маҳорати кўзга ташланиб турди. Агар Игорь ҳал қилувчи давра ўйинларида ҳам ана шундай ҳаракат қилса, ўзига хос рекордга эришиши ҳеч гапмас. «Пахтакор»га ғалаба ва очколар келтирган қолган тўпларни қуйидаги футболчилар дарвозага йўллашди: жумладан, Р. Галиев тўрт марта ишқибозларни қувонтирган бўлса, Г. Денисов, Х. Оганесян, А. Абдураимов, А. Пятницкийлар иккитадан тўп киритаскин топди дейиш мумкин. Команда раҳбарлари кўпдан бери орзиқиб кутилаётган яхши ният йўлида, олий лигани кўзлаб ташкилий ва тадбирий ишларни йўлга қўйишди.

— Биз мавсум бошидаёқ коллективдаги муҳитни соғломлаштиришга, ёшларни танлаш, тарбиялаш, синовдан ўтказиш, қолаверса, асосий ўйинчилар сафига қўшиш каби юмушларга эътиборни қаратдик, — дейди бош тренер В. Новиков. — Бундан кўзда тутилган мақсад анчайин «улғайиб» қолган командани ёшартиришдан иборат эди. Биз бу борада бир мунча ютуқларни қўлга киритдик. Ҳозирги кунда ҳар бир ўйинни зимдан кузатиб, майдонга тушишга шайланиб ўтирган футболчилар орасида Анвар Жабборов, Улуғбек Рўзимов, Қувват Тўраев, Файзулла Ўрдабоев, Жасур Абдураимов, Ойбек Усмонхўжаев, Шуҳрат Маҳсудов, Саид Турсунов, Собир Ҳодиев каби ёшларнинг саф тортиб туриши айни муддаодир.

Зеро, коллективда яхши ўйинлар кўрсатиш, ҳужумкорликка зўр бериш, майдонда барқарор ҳаракат қилиш каби талабларга риоя қилиш билан бирга футболчилар ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик фазилатларини юзага чиқармоқдамиз. Шунга эришмоқчимизки, ҳар бир футболчи команда ғалабаси ва унга ўзининг қўшган ҳиссаси билан завқлансин, қолаверса, мағрурлансин. Йигитларга бундан ортиқ мукофот бўлмаслиги лозим. Шунинг учунми, Азамат Абдураимов бундай қарашларимизга дош беролмай қолди. Унинг келажакда ажойиб футболчи бўлиб камол топишига шубҳа билан қараётган ҳам бошланди. Командадошлари Азаматдан камтарлик ва камсуқумликни кутишди, бўлмади. Афсуски, бу футболчимиз хатосини тан олиб, танқидни тўғри қабул қила олмади. Оқибатда у команда билан хайрлашишга мажбур бўлди. Шунингдек, Мустафо Билолов ҳам пахтакорчилар билан хайрлашди. Марат Кабаев чет эл командалари билан шартнома тузиш орзусида. Лекин, командамизнинг асосий таркиби мустаҳкам. Футболчиларимиз якунловчи давра ўйинларини ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб, эзгу мақсад йўлида ҳаракат қиладилар. Ўзгартирилган Низомга кўра, энди тўртинчи ўринни олиб, олий лигада омади юришмаган коллектив билан ўтиш учрашувида қатнашиб ўринлардан балки ҳеч бўлмаганда учинчи ўринни эгаллашга ҳаракат қиламиз. Бу борада, ишқибозлар мухлислик одобига риоя қилиб, бизни қўллаб туришса бўлгани.

Ҳ. НОСИРОВ.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 177. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12